

Oila va jamiyat

№ 41 (1442)
16-OKTABR
2019-yil

Gazeta 1991-yil 1-sentabrda chiqqan boshlagan

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

@oilavajamiyatgazetasi_bot



SABONAT JALOLOVA:

“SPORTCHINING ONASI BO‘LISH OSON EMAS”



Til 3

Tilingni unutding —
o'zingni unutding!...



Davron RAJAB.

“Жахон адабиёти”

журнали ходими:

— Ўзбекистон халқ шoirи Эркин Воҳидов суҳбатларнинг бирида шундай деган эди: “Ўзбек адабий тилини пайхон қилувчиларни тушовлаб қўйиш вақти келмадимикин? Улар сўнги йилларда айниқса кўпайиб қолди.

Gurung 7

Raqslarda xalqning orzu-
armonlari mujassam



Шодиёра ОМОНОВА

— 1991 йилда Наманган шаҳрида туғилган. Ўзбекистон Давлат Санъат ва маданият институтини битирган. 2014 йилда “Эътироф” давлат мукофотиغا сазовор бўлган.

Qahramon 12

«Hali yugurish
musobaqasida
qatnashaman»



Тақдир ҳали ёш бўлишига қарамай, Ҳамзахонни дард билан синаб кўрмоқда. Ишонамизки, ҳали бу болакайнинг мактабга югуриб борадиган кунлари ҳам келади.

KALQARO QIZLAR KUNINI KALQARO BAYRAM QILDIK!

“11 oktabr — Xalqaro qizlar kuni”ni keng niшонlash maqsadida respublikaimiz bўйлаб Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, “Махалла” хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида турли-туман тадбирлар, анжуманлар, икки ёки уч авлод учрашувлари, семинар-тренинглар, спорт мусобақалари уюштирилди.



“Қизи бор уйнинг файзи бўлак”, “Қизлар маҳалланинг кўрки, безаги” “Муваффақиятга эришиш сирлари” шиори остида “Авлодлар учрашуви”, “Қизларни оила қуришга тайёрлаш”, “Қариндошлик никоҳлари ҳамда эрта никоҳнинг салбий оқибатлари” номли турли маънавий-маърифий, маданий-тарғибот тадбирлари қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга катта ҳисса қўшди.

Шунингдек, жойларда “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони соҳибалари, мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг турли-туман юксак мукофотлари билан тақдирланган аёллар, “Зулфия” номидаги Давлат мукофоти соҳибалари, шоир ва ёзувчилар, маданият ходимлари, спортчилар, ёш тадбиркорлар, хунарманд қизлар ҳамда илмий тадқиқотчи ёш олималар

ва бошқа фаол ёшлар билан ижодий учрашувлар ўтказилди. Имконияти чекланган қизлар ҳолидан ҳам хабар олиниб, уларнинг кўнгилларига байрам шўҳуқи олиб кирилди.

Ўқувчи ҳамда талаба қизлар ўртасида “Қизларжон”, “Миллий либос — маънавиятимиз кўзгуси”, “Зулфия издошлари”, “Тумарис издошлари”, “Ёр-ёр” ва “Алла” фестиваллари, танловлар ҳамда акциялар, спорт мусобақалари ҳам ташкил этилди.

Тарғибот тадбирларига қарийб 250 мингга яқин қизлар қамраб олиниб, барчаси оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиб борилди. Қолаверса, интернетнинг ўзбек сегментига бу кунга бағишланган махсус хэштеглар ҳам уюштирилди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси Матбуот хизмати



GAП KO‘RINISHDA EMAS, MA‘NAVIYATDA

Ўқувчи ёшларни газета ва китобга бўлган қизиқишларини янада ошириш мақсадида “Оила ва жамият” газетаси ходимлари иштирокида Юқори Чирчиқ туманига қарашли 20-умумтаълим мактабида “Гап ташқи кўринишда эмас, маънавиятда” деб номланган учрашув бўлиб ўтди.

— Орамизда етти мучаси соғ бўла туриб бирор касб-хунарни эгалламаган, ота-онаси, маҳалла-қўй, халқ кори учун хизмат қилишни эп билмайдиган ёшлар афсуски учрайди, — дейди мактаб директори Манзура опа Баратова. — Аммо имконияти чекланган бўлишига қарамай, янгиликлар яратётган, санъат, спорт соҳасидаги ўзгаришларга ўз ҳиссасини қўшаётган йигит-қизларнинг борлиги кўнглимизни гурурга тўлдирди. Шу сабаб биз ҳар доим инсоннинг ташқи кўринишига эмас, маънавиятга қараб баҳо беришимиз, дўст тутишимиз зарур.

Бугунги кунда мактабимизда минг нафарга яқин ўқувчи ёшларга 63 на-

фар ўқитувчилар таълим-тарбия бериб келишади. Улар билим бераётган ўқувчилар орасида 11 – синф ўқувчиси Азиз Номозбоев, 9 - синф ўқувчиси Сарвиноз Сидиқова каби тиришқоқ, изланувчан ёшлар тенгдошларига ўрнак бўлиб келишмоқда.

Тадбир давомида иштирокчилар ўқувчиларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди. Шунингдек, энг фаол



ўқувчиларга таҳририят томонидан китоблар совға қилинди.

Ойжамол СУЛАЙМОНОВА,
Юқори Чирчиқ тумани,
20-умумтаълим мактаби она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази Қашқадарё вилоят бошқармасида ташкил этилган маънавий-маърифий тадбир “Она тилим-жону-дилим” деб номланди. Сўзга чиққанлар она тилимизга бўлган эътибор, ўзбек тили ва унинг нақадар улугворлиги, миллий тилимиздаги сўзларнинг ниҳоятда жозибadorлиги хусусида гапирдилар. Она тилимизни улугловчи шеърлар, олим ва фозилларнинг ҳикматли сўзларидан намуналар айтилди.

— 1991 йилнинг июнь ойида кечган воқеалар кечагидек эсимда, — дейди тадбирда сўзга чиққан ОИАТМ вилоят бошқармаси бошлиғи Рамиз Зоҳиров. — Ушунда Олий милиция мактабининг талабаси эдим. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигига қарамай машғулотлар рус тилида ўтилиши

TIL – MILLAT KO‘ZGUSI



мени ва тенгдошларимни таажжублантирарди.

Марказдан келган ўқитувчилар билан ўтказилган катта анжуманларнинг бирида сўзга чиқиб, “Нима учун бизга ўзбек тили эмас, рус тилида дарс ўтилади?” дедим. Бу ташаббусни

бутун тингловчилар қарсақлар билан қўллаб-қувватлашди. Шундан сўнг менга нисбатан йўлимда турли тўсиқлар учрай бошлади. Олийгоҳда фаолият кўрсатаётган русий забон ўқитувчилар “ўқишдан хайдалишимгача” бўлган масалани ўртага қўйишди. Не бахтки, уша

воқеадан икки ой ўтиб, Ўзбекистоннинг биринчи Президенти мамлакатимизни мустақил деб эълон қилгач, Истиклол шўҳуқидан қадди сарбаланд бўлган халқимиз қаторида мен ҳам мамлакатимиз Мустақиллигини қалбимда қувонч билан кутиб олдим. Шундан сўнг олийгоҳдаги дарс машғулотлари ўз она тилимизда ўтиладиган бўлганлигидан барча мамнун бўлди.

Тадбир давомида иштирокчилар томонидан кўча ва хиёбонларда ўрнатилган баннерларда ҳамон ғализ жумлаларнинг борлиги, имловий хато-лар билан ёзилаётганлиги, киши гашига тегувчи ёзувлар давом этаётганлиги хусусида танқидий фикрлар билдирилди. Тил байрамига бағишланган тадбирда Навоий ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар ижро этилди. Она тилимизнинг муқаддаслигини эътироф этувчи тадбир тўпланганларда катта таассурот қолдирди.

Шавкат СУЛТОНОВ,
“Оила ва жамият” мухбири.

TILINGNI UNUTDING — O'ZINGNI UNUTDING!...

Узбекистонда “Давлат тили ҳақида” ги қонун қабул қилинганлиги 30 йил тўлди. Бироқ бу сана биз қувонч билан нишонлайдиган байрамга айлана олди-ми? Ўтган йиллар мобайнида тилимиз ўз қоматини жонқуяр зиёли боболаримиз истагандек ростладими? Бу жараёнда кичик бўлса-да ўз ҳиссамизни қўшишга ҳаракат қилганимизми? Ўзбек тили тараққий қилиши, янада ўсиб, бойиши, кенгайиши учун қандай эътиборга молик ишлар амалга оширилди? Бугун кўксида ғурури, ор-номуси бўлган ўзбек борки ана шу саволлар қаршисида ўйга толмоқда. “Она тилим – сен руҳимнинг қаноти”, – деган эди сеvimли шоиримиз Рауф Парфи. Хўш, бугунги руҳиятимиз эпкинлари кўнглимизни қанчалар тўлдиряпти? Ҳеч бўлмаса оддийгина мулоқот чоғида биз она тилимиз тақдирига қанчалар хушёрлик ва талабчанлик билан қараямиз? Суҳбатдошларимизнинг айна саволлар атрофидаги мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

“ЎЗ-РУСЧА” МУЛОҚОТНИ ҚОРАЛАЙМАН!

Муаззам Иброҳимова ҳозирги замон ўзбек болалар адабиётининг кўзга кўринарли вакилларида бири. Унинг “Икки дўст”, “Эски шаҳарнинг янги эртақлари”, “Бешикдаги бек болам”, “Бир кўнгил иморати”, “Сумалакхўр самолёт” каби китоблари нашр этилган. Ўзбекистон Болалар ёзувчилари ассоциацияси аъзоси. Шунингдек, «Доктор Войжоним» хусусий болалар клиникасида бош шифокор бўлиб ишлайди. Клиникага кириб борганимизда Муаззамхон бир-бирдан ширин болаларни кўридан ўтказиб турган экан. У саволларимизга жавобан шундай деди:



– Ўтган 30 йил ичида кўп ўзгаришлар бўлди. Энг биринчи навбатда, дунёнинг 183 та расмий давлат тиллари рўйхатида ўзбек тили ҳам ўзининг муносиб ўрнини эгаллади ва буни бутун жаҳон тан олди. Бу масъулиятли жараёнда ҳар бир инсон ўз хиссасини қўшиши муҳимдир. Мен ҳам бу борада катта ишларни амалга оширишни режалаштирган бўлсам-да, ҳали кўнглидагидек ҳисса қўша олдим, деб айтолмайман. Болажонларимизнинг тили бийронгина бўлсин деб она тилимизда ширин эртақчалар, шеър, ҳикоялар ёзиб уларга тақдим этдим.

Мен болалар шифокориман. Минг афсус, қабулимга келган аксарият беморларимнинг ота-оналари ўзаро рус тилида гаплашишади ва менга ҳам русча мурожаат этишади. Энг ёмони хатти-ҳаракатларида ҳам миллиатимизга беғона чучмалликлар кўзга ташланади. Русча мулоқот, европача маданият уларни янаям замонавий кўрсатади, деб ўйлашади. Қош-кўзи қора қақажон беморларим билан ҳам, уларнинг ота-онаси билан ҳам атайин мулоқотни соф ўзбек тилида олиб

бораман. Улардан ҳам шуни талаб қиламан. Рус бўлса ҳам давлат тилини ўрганган баъзи инсонларни намуна қилиб кўрсатишга ҳаракат қиламан.


Қоришиқ тилни тузатиш учун энг аввало фарзандларимиз билан она қорнидалигидаёқ она тилимизда суҳбатлашиб туришимиз керак. Яқинда бир келинни кўзатдим. УТТ да шифокор кўригида экан. Қоракўзининг юрак товушини эшитиб “Вой мой сладкий, вой лапустик”, – деб эркалади.

Унинг сариқ сочларига қараб рус бўлса керак деб ўйладим. Келинчақ эса шифокорга қараб: “24 ҳафталик деп-зисми срогимни? Вуй, как приятно”, – деса бўладими. Тўғрисини айтсам, у эртага алла, эртақларни ҳам қоришиқ тилда айтишини ўйлаб юрагим эзилди. Фарзандлар билан энг кўп мулоқотда бўладиган она. Унинг тили ғализ, беҳушов “ўзрусча” бўлса болалар ҳам ундан ўрнак олиб вояга етишади.

Яқинда ижтимоий тармоқларда рус тилига Ўзбекистонда расмий тил мақомини бериш ҳақидаги мунозаралар қизгин тус олди. Айни тортишувлар ҳам зиёлиларимиз ва оддий фуқароларнинг тилга бўлган муносабатини қай даражада эканлигини белгилаш имконини берди. Рус тили БМТнинг олтита расмий тилининг биттаси, аммо Ўзбекистонники эмас! Мен миллатчи эмасман. Бироқ Ўзбекистонда расмий тил фақат ва фақат ўзбек тили бўлишини хоҳлайман!

ҲАМУЗ МУШКУЛ ХОЛАТДАМИЗ!

Даврон РАҲАБ,
“Ҳақон адабиёти” журнали ходими:
– Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов суҳбатларнинг бирида шундай деган эди: “Ўзбек адабий тилини пайхон қилувчиларни тушоғлаб қўйиш вақти келмадимикин? Улар сўнги йилларда айниқса кўпайиб қолди. Маҳаллий матбуот, радио учун шошилинч материал етказиб берувчи бундай қосиблар тилимизга бениҳоя катта «халис хизмат» қилишати. Биз ҳар кун радиодан, масалан, чўл шайдоларининг оби ҳаёт олиб келаётганини эшитамиз, телевизордан раққосаларнинг навозишини кўриб, ойнаи жаҳонга нигоҳбон бўламиз”. “Қосиблар” ўз ишларини қилиб ётишибди. Бугунги кунда ёшларимизнинг



аксарияти китобдан олислагани бор гап. Уларнинг аксарияти телевидение, интернет орқали мутолаага ўтишган... Буларнинг ёмон томони йўқ, лекин телевидение ва бошқа ОАВ ларда тақдим этилаётган фильмлар ва рекламаларни она тилимиз учун хизмат қиладиган қучли қуролга айлантириш лозим. Тарихда ўзбек дубляж мактабининг маҳорати

Наҳотки, шу

хусусий қорхона ва дўконларга оқ йўл берадиган масъул ташкилотлар “Очаётган идорангиз номи(ҳеч бўлмаса?) нега давлат тилида эмас?” дея эътироз билдиришмасам... Ёки уларнинг ҳам ҳуқуқлари чегараланганми? Ахир она тилимизни ҳимоя қилиш ҳар биримизнинг вазифамиз-ку!

тилнинг фарқига боришмайди. Яъни тарихий фильмдаги персонажлар замонавий тилда, замонавий фильмдаги образлар эса тарихий эскирган тилда сўзлашишади...

“БРОДВЕЙ”ДАГИ “ШЕДЕВР”ЛАРНИ КЎРИБ....

– Яна бир мулоҳаза, – дейди Даврон Ражаб. – Пойтахт шаҳримизда хорижий тилдаги ёзувларни кўриб қайси шаҳарда эканини ҳам унутиб қўясан киши. Наҳотки, шу хусусий қорхона ва дўконларга оқ йўл берадиган масъул ташкилотлар “Очаётган идорангиз номи(ҳеч бўлмаса?)нега давлат тилида эмас?” дея эътироз билдиришмасам... Ёки уларнинг ҳам ҳуқуқлари чегараланганми? Ахир она тилимизни ҳимоя қилиш ҳар биримизнинг вазифамиз-ку! Майли, янги очилаётган муассасалар номини қўя турайлик. Энг марказий кўчаларимиз ҳеч бўлмаса Ўзбекистонда яшаётганимизни англатиб турса бўлмайди?... “Бродвей” даги аҳволни ёки катта дўконнинг номи(Шундай мустақиллик майдони ёнида) “Шедевр” деб аталишини нима дейиш мумкин... Қозғоғистон ва Қирғизистондаги қардошларимизнинг тилга бўлган жиддий муносабатига ҳавасим келади. Уларда биринчи бўлиб идора ёки муассаса номи она тилида ёзилади, кейин эса рус ва инглиз тилларида ёзишга руҳсат этилади. Биздаги аҳвол-чи! Тошкент шаҳрини бир

айланиб кўринг-а! Хорижий кўчалару метродаги янги телерекламалардан ҳайратга тушасиз... Булар бизнинг маънавиятимизни, тилимизга бўлган муносабатимизни белгилайди-ку...

Янги туғилган фарзанда исм қўядиган ташкилотда ҳам ҳалигача лотин ёзувидаги ўзбек тилини мукаммал билгувчи олий маълумотли ходимларнинг камлиги ҳам кишини ташвишга солади. Ҳатто лотин алифбосидаги “О” ҳарфи муаммоси кирилл имлосида қандай адашган бўлса, келгуси аялдога мерос бўлиб ўтмоқда... Масалан, исми-шарифимиздаги европапараст қўшимчалар шундайлигича қолган “пов” ва “вич”лар мисолида. Бу, албатта, кичик фожеа эмас. Эндиликда мактаб ўқувчилари лотин алифбосидаям “ў” ни “о” тарзида ёзишмоқда...

“ҚОРИШИҚ ТИЛ ЛУҒАТИ” ХУРУЖ ҚИЛМОҚДА...

– Энг ачинарлиси, ўз тилимизнинг сўзларига бефарқлигимиз туфайли аралаш-қуралаш ўзбек тили луғати пайдо бўлди, – дея мулоҳазаларини давом эттирди Даврон Ражаб. – Ўзбек тили луғатида маълум бир сўзнинг маъносини ифодалайдиган жуда ўринли сўзлар бўлишига қарамай, уларнинг хорижий муқобилини ишлатамиз. Мен буни ҳам бефарқлик, ҳам дангасалик деб айтган бўлардим. Тарихда ана шундай луғатни ҳам кўзимизга суртишга тўғри келган. Шўро даврида жуда қисқа мuddатлар ичида луғат тайёрлашга тўғри келган. Яна шуни ҳам айтиш кераки, ўша даврларда нотўғри таржималар учун масъул мутахассислар жазоланган ҳам... Шунинг учун бўлса керак адабий давраларда “фалончи тилшуносни қамагандан кўра, луғат тузиш меҳнати билан жазоланган керак эди”, деган ҳазиломуз латифалар юради. Яна шуни ҳам таъкидлаш кераки, она тилимиз қондаларини тузишда рус тили мутахассислари шуғулланишган. Хорижий муқобили деганда айнан рус тилидан кириб келган сўзларни айтиш керак. “Қоришиқ тил”ни эса тузатиб бўлмайди. “фуқароларимиз” ҳам айнаи дамда шу дардга даво изламай қўйишган. Хуруж бериб қоладиган ўзга тил оғриқларига кўникиб кетишган.

КУНДАН-КУН УНУТИБ БОРАЙМИЗМИ?!

Абдулла Авлонийнинг “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” асарига шундай сўзлар бор: “Биз, туркистонлик миллий тилни сақламак бир тарафда турсун, кундан-кун унутмак ва йўқотмақдуримиз...”Орадан юз йиллар ўтган бўлишига қарамай ушбу аччиқ ҳақиқат бизнинг ҳолатимизга тўғри келаётгани ташвишланарлидир. Ҳар йили тил байрами арафасида бир уйғонгандек бўлаемиз, байрамдан сўнг эса ҳаммаси ўз ҳолатига қайтади. Мулоқотларимизу кўча-кўйдаги жой номлари, телесериаллардаги ажаб-товур таржималар – тилимиз билан боғлиқ муаммолар бизни бора-бора сергаклантирмай қўймоқда. Ахир она тилимиз тараққиёти учун курашишни фарзандларимиз биздан ўрганади-ку! Наҳотки, биз аждодлар руҳи ва авлодлар ўртасидаги асосий кўприк эканлигимизни ҳам кимдир эслатиб, талаб қилганидан сўнг ҳаракатини бошласак?... Азиз замондош, бироз шошиланг, бироз хушёр бўлинг, ҳар бир қадамимизда қайгурайлик, асраб-авайлайлик, яхши кўрайлик ОНА ТИЛИМИЗНИ!!!

Мухтасар ТОЖИМАТОВА
ёзиб олди

Luqmon Bo'rixon:

“YOZUVCHINING IJTIMOY VAZIFASI BITTA!”

“... Ё ўзимизга ортиқча баҳо бериб юборяпмиз, ё ҳар қандай қоралама ҳам адабиётга бўлаверади”, деган фикрларини биз билан баҳам кўрувчи ёзувчи Луқмон Бўрихон газетамиз меҳмони.



– Луқмон Бўрихон илк ижодини шеърлар ёзишдан бошлаган дейишди, бу ростми? Умуман, ижодкор ўз фаолиятини назм билан бошлаб, кейин насрга ўтса, бу борада аъло натижаларга эришади, деган фикрни айтади баъзилар. Менинг эса, бу нуқтаи назарга кўп ҳам қўшилгим келмайди. Ёзувчида аввал бошиданоқ насрга хос вазминлик, совуққонлик шаклланган бўлиши керак деб ўйлайман. Сиз бунга қандай қарайсиз?

– Ҳа, ўқувчилик пайтларим аввал шеърлар тўқишга уринганман. Лекин буни кейинчалик насрга ўтиб кетсам нафи тегади деган хаёлда қилганим йўқ. Ҳаммаси табиий бир тарзда, жўшқинлик, ҳаяжон қамраб келган чоғлар содир бўлган. Таркибида қофияли сўзлар мавжуд қандайдир сатрлар қозога тўкила бошлаган. Кейинчалик уларнинг айримлари туман газетасида чоп ҳам этилди. Бу мен учун катта муваффақият эди. Бамисли осмонларда учиб юрардим. Сиз, назаримда, ижодини шеърлар билан бошлаган ёзувчи, насрий асарлар битганда қандайдир чучмал, сўзамол бўлиб қолади деган фикрдасиз? Бира тўла ҳикоялар, қиссалар битишга киришиш ёзувчида совуққонликни, жиддийликни, ўткир сўзликни сақлаб қолади деб ўйлайсиз? Балки шундай-дир. Лекин мен ҳамма носирларимизда шоирона юрак, шоирона туйғулар бўлишини истардим. Андак шоирлиги бўлмаган математик, математик эмас, деган нақл бор-ку. Менимча, бу ёзувчиларимизга ҳам тегишли. Шоирона пафос ҳар қандай насрий асарнинг ҳам бадийий эмоционалликни, бадийий қувватни оширади, қаҳрамонлар руҳий ҳолатини қувончу изтиробларини тиниқ ва таъсирчан беришда фойдаси тегади.

– Сўхбатларимиздан бирида илк ҳикояларингиз ҳақида сўзлай туриб, аслида ҳозиргидан кўра ўша пайтлар кучлироқ ёзувчи бўлган эканман, деган гапни айтган эдингиз. Бу ёшлик хотираларини эсланганда оний бир ҳаяжон туғдирган гап эдимиз, ё ёзувчи улғайган сайин унда қайсидир хислатлар ортиб, айримлари камая бориши ҳақиқатми?

– Ўша сўхбат аниқ эсимда йўқ. Ҳойнаҳой, илгари ёзган ҳикояларим кейингиларидан анча пишиқ-пухта эди, деган мазмунда нимадир айтган бўлишим мумкин. Ҳа, ёшлик пайтла-

“Олов тутган одам” га қайтадиган бўлсак, мен бу асарни раҳматли биринчи президентиимиз ҳаётлик даврида, яъни 2009-йилда ёзганман ва асосий мақсадим мустақиллигимизнинг 25 йиллик бадийий манзарасини яратиш бўлди...

римиз ҳозиргидан кўра ижодга, адабиётга бир қадар талабчан бўлганмиз. Ҳаммага ёқишга ҳаракат қилардик. Хомхатала асар ёзиб қўйиб, ўзимизнинг, адабиётнинг шаънига доғ туширишдан чўчирдик. Назаримда, ўша кечинмалар, саросималар бугун чекингандай. Ё ўзимизга ортиқча баҳо бериб юборяпмиз, ё ҳар қандай қоралама ҳам адабиётга бўлаверади деган фикрга келганмиз. Лекин ҳар иккиси ҳам катта

қай бирига мансуб? Яъники, ёзувчида истеъдод бирламчими ёки китобхонлик? Қобилиятсиз киши кўп ўқиш орқали ҳам яхши ижодкор бўлиб етишиши мумкинми?

– Ўртамиёна китобхонман, шекилли. Адабий жамоатчилик ўқиб-ўқимай шов-шув кўтарадиган, дунё адабиётининг дурдоналари ҳисобланадиган кўпгина асарларни мен ҳам кўлга олганман. Лекин, очигини айтишим керак, кўпларини мутолаа қилиб, ҳаяжонли таассурот ололмаганман. Балки, уларни ўқиш учун қандайдир тайёргарлик зарурдир, балки, савиям пастдир, билмадим, ўша китобларнинг аксарияти чучмал, сержумбоқ, завқ-шавқсиз туюлган. Саволингизнинг давоми юзасидан фикр юритсак, истеъдод ҳар қандай ижодкор учун энг бирламчи ҳисобланади. Кўп ҳолларда истеъдод китобхонликка ҳам ундайди. Чунки, истеъдод нафақат тинимсиз қозғоқ қоралашни, балки, ижод ҳақида, бадийий адабиёт ҳақида билимини, тушунча ва тасавурни ошириб боришни талаб қилади. Аммо, истеъдод йўқ экан, бир одам битикларни ўқиб чиққанда ҳам, бу машғулот ижод масаласида ёрдам бера олмайди. Шу баробарида, ўша мутолаага ихлосманд одам ҳеч нарса йўқотмайди, балки, қалби, онги, маънавияти учун бебаҳо озуқа олади.

– Сизни китобхонларга кўпроқ танитган “Жазирамадаги одамлар”, “Хизр кўрган йигит”, “Қуёш ҳали ботмаган” каби асарларингиз асосини қишлоқда яшаётган ўспириннинг ўй-хаёллари ташкил қилади. Бу, назаримда, бирхилликни, чекланишни пайдо қилгандай туюлади. Балки, мазкур асарлар сюжетини бошқача қурганда маъқул бўлармиди...

– Эҳтимол... ўзимни тўлқинлантирган фикрни, ғояни кимнингдир ўй-хаёллари, кечинмалари тарзида ифодалаш, тасвирлаш осон ва қулай туюлган бўлиши мумкин. Қолаверса, ҳар бир қаламаш ўз табиатидан, нуқтаи назаридан, услубидан келиб чиқиб қозғоқ

– Келажақда “ёзувчи-машиналар” ихтиро қилиниши мумкинми? Тасаввур қилайлик, шундай роботлар яратилса-ю, қисқа муддатда сонсаноксиз роман ва қиссаларни ёзиб ташлайверса... Унда нима бўлади?

– Бундай роботларга сира эҳтиёж йўқ. Ҳеч бир машинадан қолишмай бетиним асарлар ёзаётган, пешма-пеш чоп этаётган қаламқашлар бугунги кунда ҳам кўплаб топилади. Лекин уларнинг битиклари нечоғлик қийматга эга эканлиги, энг аввало, мутахассисларга, қолаверса, ўқувчиларга ҳавола. Қолаверса, адабиётнинг бағри кенг, уларга ҳам жой топилади.

– Менинг тенгдошларим нима учун ёзувчи-шоирлардан кўра санъаткор-хонандаларни афзалроқ билишди? Бу ҳеч қанақа гайирлик, ё бирор кимни камситиш эмас, шунчаки сабаби нима эканлиги қизиқ?

– Жамиятда аввало китобхонликка эҳтиёж бўлмас экан, уни бошқа ҳеч қандай йўл билан китобхон қилиб тарбиялаб бўлмайди. Ҳеч қандай шпор, ҳеч қандай қаҳриқларнинг ҳам бу йўлда фойдаси йўқ... Модомки бизга фикрлайдиган, ўз салоҳиятини фақат ижобий томонлама кўрсатадиган, маънавий олами барқарор баркамол авлод керак экан, биз жамиятимизда аввало китоб ўқишга эҳтиёж пайдо қилишимиз шарт, деб ўйлайман. Ҳозирги пайтда ёшларнинг китоб ўқишдан қўшиқлар эшитишини афзал кўраётганининг асосий сабаби ҳам ана шунда – китоб ўқишга эҳтиёжнинг камлигида. Кўрмаяписизми, китоб ўқимасдан мансабдор бўлишяпти, китоб ўқимай машхур бўлишяпти ва ҳоказо.

– “Олов тутган одам” асарингизни буюртма асар, деб баҳолашяпти, таъбир жоиз бўлса озгина камситишяпти. Узингиз бунга нима дейсиз?

– Нима ҳам дердим, олдин асарни ўқиб кўр, дейман. Бирор асарни айнан “буюртма асар” деб асоссиз танқид остига олишининг ўзи бемаънилик. Чунки ҳақиқий полвонга майдоннинг фарқи йўқ, полвон ҳеч қачон мен тўйда олишадиган полвонман, мусобақада олишмайман, ё мен чемпионатда олишадиган полвон эдим, тўйда олишмайман деб ўзини тортиб ўтирмайди. Шунингдек, ёзувчининг ижтимоий вазифаси ҳам аслида битта – ёзишдир! Бунда эса, баъзида буюртма ҳам истеъдод учун ўзини кўрсатиш имкони бўлиб хизмат қилиши мумкин. Гап ўша асарнинг қандай ёзилгани, ёзувчи бадийий тафаккурининг қай даражада эканида.

“Олов тутган одам” га қайтадиган бўлсак, мен бу асарни раҳматли биринчи президентиимиз ҳаётлик даврида, яъни 2009-йилда ёзганман ва асосий мақсадим мустақиллигимизнинг 25 йиллик бадийий манзарасини яратиш бўлди...

– Биз каби ёшларга маслаҳат ва ўғитларингиз бўлса...

– Аввало, биз йўл қўйган хатолар такрорланмасин: ҳамisha ўз-ўзингизга талабчан бўлинг, сал-пал ижодий ютуққа эришсангиз, шугинага махлиё бўлиб қолманг, ўртамиёна китобхон бўлишдан сақлангиз, ҳамisha ўқиш-изланишда бўлинг, фақат завқ-шавқ билан – кўнгилдан чиқариб ижод қилинг. Ортингар билимларингизга ҳаёт тажрибаси ҳам омухта бўлса, секин-аста юксалаверасиз...

Б. Қўлдошев
сўхбатлашди.



гуноҳ... Ҳартугул, ўзимизни яхшигина ислоҳ қилишимиз керак эканлигини кўрсатади.

– Ёзувчиларнинг китобхон, ашаддий китобхон ва сир эмаски, умуман китоб ўқимайдиган турлари ҳам бўлади. Луқмон Бўрихон буларнинг


қоралайди, оқибатда, ўзига хос “подчерк” пайдо бўлади. Буни ўша ёзувчининг ўзи ҳам пайқамай қолиши мумкин. Лекин мулоҳазангизда жон бор. Кейинги ижодим давомида бундай номаъқулликдан қочишга ваъда бераман.

ERTAKLAR ASLIDA HAM "ERTAK" MI?!...

Сиз дарахт мева бериши учун томирлари орқали ердан куч олиб тайёргарлик кўриши лозимлигини биласиз-а? Оддийгина мобил курилмаларни ишга тушириш учун электр токи ёрдамида бир неча соат қувватлантириш кераклигини-чи? Бадий китоб мутолааси ҳам тасаввурни худди ўшандай қувватлантира олади! Болаликдан бойитилган, етарли даражада қувватлантирилган инсон тасаввур эса катта кашфиётлар қилмоққа қодир! Аммо мен бадий китоблар мутолааси ҳақида эмас, айнан эртақларнинг ҳаётимизда тутган ўрни ҳақида гапирмоқчиман. Нима? Эртақ ҳақида "эртақ" эшитишга катталиқ қиламан, дейсизми? Эртақ воқеалари мен учун жудаям оддий-ку, дегандай бўлдингизми? Йўқ, менимча ундай эмас! Аслида бизга оддий ва жўн туюлган эртақларда шу даражада катта ҳикматлар учириниб ётиши мумкин-ки, уларни тушуниб олиш учун фақатгина катта ёшга эга бўлишнинг ўзи камлик қилади. Инсонга зийраклик, мулоҳазакорлик, топкирлик керак.

ЭРТАҚЛАР ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛГАН?

Жуда қадимдан инсоният табиат ҳодисаларининг сирларини англашни, уларни ўзига бўйсундиришни, адолатни, бахт ва саодатни орзу қилган. Барча халқларнинг эзгу орзу-ниятлари бир-бирига ўхшаш бўлса-да, уларни турли халқ турлича ифодалаган. Халқларнинг ана шу орзу-ниятлари ифодаси ўлароқ, халқ оғзаки ижодида эртақ жанри пайдо бўлган. "Эртақ" сўзининг луғавий маъносини ҳам айнан – айтиб бермоқ, ҳикоя қилмоқ дегани. Шундан келиб чиқиб айтганда ўзбек халқ эртақларининг энг қадимий намуналари ҳам ўз-ўзидан дунёга келган эмас. Биргина "Ур, тўқмоқ!" эртагини мисол келтирадиган бўлсак, ўтмишда ҳар хил босқинчиликлардан азият чеккан она халқимиз ўз эртагида тўқмоқни тасвирлаб, ёвларнинг замминимиздан таъзирини еб, тезроқ бадарга бўлишларига умид қилган. "Очил, дастурхон" ни тасвирлаб, қачондир дастурхонлари тўкин-сочин бўлишини, қорни мазали овқатларга тўйиб таом тановул қилишини умид қилган. Бу нарсаларга эга бўлган чолнинг лайлакнинг синган оёғини даволаб тузатгани замирида эса, ҳар қандай орзу-умидларга етишининг йўли ўзгаларга яхшилик қилиш ва меҳнатда эканини тушунтирмоқчи бўлишган. Ёки шунга ўхшаш қадимий эртақларимиздан яна бири "Уч оғайни ботирлар" ни олайлик. Эсласангиз, иккита катта акасининг қора девга мағлуб бўлганини эшитган Кенжа ботир дев билан олишишга кетиш олдида билганини тилиб, товоқчани қонга тўлдиради ва устидан сочиқ ёлади. Хотинига қараб: "Сочиқдан қон томиб турса, мендан хавотир олма. Товоқчадаги қон зардобга айланганда эса, мендан умидингни узавер!" деб айтади. Эртақдаги бу мажозий ифодада аслида бир авлоддан биргина киши тирик бўлган



тақдирда ҳам ҳали авлод давом этиши, авлоднинг сўнги вакили нобуд бўлса, қони айнаши – авлод ердан супурилиб кетиши ҳақидаги ҳаёт ҳақиқати ётибди.

УЛАР ҚАНДАЙ БИЛИШДИ ЭКАН-А?

Бугун техника асрида яшасангиз, азиз дўстим! Самолёт, ракета нима эканини яхши биласиз. Ҳатто, ҳавода учадиган самолётнинг кичикроқ нусхасини ўзим ясаб бера оламан, десангиз мен ишонаман. Чунки мактабдаги дарсликдан, телевидениедан, газета-журналлардан, қолаверса интернетдан бундай техник воситаларнинг ясалиши ва ички механизми ҳақида маълумотга эга бўлишингиз мумкин. Аммо уларни дастлаб кашф қилган олимлар-чи, олимлар уларни қандай ўйлаб топди? Ушбу сирни сизга очсам, ўша олимлар кўпгина кашфиётларига асос бўлган гоёларни айнан халқ эртақларидан олди! Ҳа, ишонаверинг, эртақлардан!

Бунинг далил-исботларидан бири – учар гиламдир. Ахир учар техник воситалар ҳақидаги тушунчалар пайдо бўлмасдан туриб жуда қадимдан инсонлар осмонга парвоз қилиш ҳақида ўйлаб бошлаган. Бу амалга ошириш мумкин бўлган орзу эканини ҳис этишган ва учар гилам ҳақидаги эртақни тўқиган. Кейинчалик италиялик олим Л.Давинчининг дастлабки учиб мосламаси ҳақида изланишлар олиб боришига ҳам ва ниҳоят рус денгиз офицери А.Ф. Можайскийнинг 1884-1885 йилда илк ростмана самолётни яратишига ҳам айнан осмонда парвоз қилувчи гилам ҳақидаги эртақлар бош гоё бўлиб хизмат қилган бўлса аҳтимоил. Телевизор кашф этилишига эса кўҳна-қадим эртақларда айтиладиган "Ойнаи-жаҳоннома" туртки бўлганлигига шубҳа қилмасак ҳам бўлади. Зеро, телевизорнинг ҳозирги номларидан бири ҳам – ойнаижаҳон-ку!

ХУЛЛАС, АЙТМОҚЧИ ЭДИМ-КИ...

Қисқаси, хулоса шуки: ёруғ оламдаги ҳеч қайси эртақ аслида "эртақ" эмас!

Эртақлар – қадимда яшаган аждодларимизнинг умид ва армонлари!

Эртақлар – қадимда яшаган аждодларимизнинг ўйит ва насиҳатлари!

Эртақлар – доно ўтмишдошларимизнинг асрлар оша бизга йўллаган гоё ва кашфиётлари!

Шундай экан, азиз дўстим, ҳар замонда эртақ ҳам ўқиб туринг. Ўқиганда ҳам ўқибётган эртагингиз ҳақида фикрлаб, мағзини қақишга уриниб ўқинг. Аллақачон бир қанча эртақлар ўқиб қўйган бўлсангиз, унда эртақ тўқинг! Эртагингизга ўзингизнинг ҳамма орзуларингизни, келажақдаги мақсадларингизни сингдириб юборишга ҳаракат қилиб кўринг.

Ажаб эмаски, бу эртагингиздаги орзуларингиз қачондир амалга ошиб қолса. Бу эртагингизни асос қилиб келажақда кимдир, жуда буюк нимадир кашф этса...

Байрам АЛИ

НИМОҲАСНИНГ О'ЗИ НИМОҲАЛАНГАНМИ?

Йигирма йил аввал, яъни янги аср арафасида интернет тушунчасидан жуда тор доиралардагина фойдаланилар, ёшлар орасида эса ундан фойдаланувчилар деярли учрамасди. Уяли алоқа аппаратлари бизда глобал тармоқ билан биргаликда оммалашди.

Узоққа бормайлик. "Uzdunrobita" провайдерлари тарқатган маълумотга ишонсак, 2008 йилда ҳар 25 нафар ўзбекистонликнинг фақат бир нафари интернет ва замонавий алоқа хизматларидан фойдаланган.

Бугунги кунда уяли телефон ишлатмайдиган киши деярли учрамайди. Айниқса, ёшлар орасида бундайларини топиш мушкул. Ҳатто (қатор таъқиқларга қарамай) мактаб ўқувчилари ҳам эндиликда интернет фойдаланувчисига айланиб улгурди.

Ижтимоий тармоқларнинг пайдо бўлиши билан ўзбек сегменти ёшлар ҳисобига ҳаддан ташқари ошиб кетди. Талабалар учун интернет нима? Исталган кино, мусиқани излаб топиш мумкин бўлган жой. Энг самарали фойдаланганда ҳам бугунги кун талабаси интернетдан фақат виртуал танишиш, реферат, курс иши каби тайёр "меҳнат маҳсули"ни юклаб олиш учун фойдаланаяпти.

Ижтимоий тармоқларнинг маънавият, тарбия, миллий қадриятларга етказиб қилиш зарари кундан кун ошиб бораётгани кишини ташвишлантиради. Ахлоқсизлик, ваҳшийликни тарғиб қилувчи сайтлар, ёт диний қарашларни сингдиришга қаратилган веб-майдонлар ва... улар орасида тентиб юрган миллионлаб ёшлар...

Айни кунларда ижтимоий

тармоқларда энг урфга кирган нарса – каналлар, гуруҳларга аъзо бўлиш ҳисобланади. Олайлик, Telegram ёки Facebook мессенжеридеги у ёки бу гуруҳ аъзосисиз. Кимдир муҳокама қилинаётган мавзуда диний, фалсафий, илмий манбалардан иқтибос келтиради. Агар ўша гуруҳда минг киши бўлса, шунча одам онгига ўша иқтибос кириб боради. Аммо ҳеч ким ушбу манбанинг тўғри ва аниқлигини текшириб кўрмайди. Натижада минг кишининг онги таъбир жоиз бўлса, заҳарланади. Муаллифи номаълум фикрлар, мақсади тушунарсиз ўйинлар ҳам бу маконда истаганча топилиши сир эмас. "Момо", "Кўк кит", "Гадзилла" номлари билан дунё ёшларига ваҳшат солган, юзлаб болалар ва ўсмирлар ўлимига олиб келган ўйинларни эслайлик. Уларни ким яратган, муаллифи,

мақсади нима, деган савол жавобсиз.

Кўпчилик бундай оқибатларни олдин олиш учун қандайдир ахборий фильм яратиш керак, деб ҳисоблайди. Фикримизча, бу унчалик тўғри йўл эмас. Чунки ҳар қандай таъқиқ ўша объектга бўлган қизиқишни янада оширади, холос. Аксинча, у ҳақда ёшлар, умуман, барча интернет фойдаланувчиларига тўғри тушунча ва маълумот бериш мақсада мувофиқ. Масалан, ижтимоий тармоқларда нотўғри талқинли хабар тарқалди. Агар мазмун динга доир бўлса, диний уламолар, илмга тааллуқли бўлса, олимлар шарҳ бериши керак. Яна бир жиҳат, ёшларни кибер хавфдан ҳимоялаш учун аввало, ўзимиз ундан ҳимояланган бўлишимиз зарурлигини унутмайлик.

Сардор ЛУҚМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги давлат
бошқаруви академияси
тингловчиси.

Sabohat Jalolova:

“SPORTCHINING ONASI BO‘LISH OSON EMAS”

Яқинда Россияда бўлиб ўтган бокс бўйича жаҳон чемпионатининг ўта оғир вазн бўйича чемпиони ҳамда чемпионатнинг энг яхши спортчиси, деб топилган Баҳодир Жалолов «Ўзбекистон ифтихори» унвонига сазовор бўлди. Шу билан бирга спортдаги ютуқлари эътироф этилиб, Президент совғаси – “Trecker” автомобили ҳамда Тошкент шаҳри Қори Ниёзий кўчасида жойлашган уй-жойлардан бири топширилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий хизматчиси Баҳодир Жалоловга кўмондонлик томонида лейтенант унвони ҳам берилди. Бундай мартабага эришишида оиласининг ўрни алоҳида эканлигини эътиборга олиб, чемпионнинг онаси Сабоҳат Жалолова билан суҳбатлашдик.

Чемпионнинг онаси. Бундай шарафли номга эга бўлишни хохламайдиган аёл бўлмас керак. Лекин биргина хоҳиш, истак билан муродга етиб бўлганида эди... Бундай мақомга эришни истаган она фарзанди билан спортнинг машаққатли йўлларида қадам-қадам одимлаши, ғалаба нашидасини ҳам, мағлубият аламини ҳам бирга-бирга тортиши, олис юртларга беллашувларга кетганида юрагини ҳовучлаб, йўлига кўз тикиши, бир сўз билан айтганда, шу соҳанинг ичида яшashi лозим. Бу эса ҳамманинг ҳам кўлидан келавермайди. Қайси она бундай юмушлар учун фурсат топа олади? Яна кимлардир фарзандини ширин уйқусидан эрта уйғотишга кўзи қиймайди, машгулотларнинг машаққатидан, тан жароҳатлардан аяйди...

Болалигидан бокс билан шуғулланиб келаётган Баҳодир Жалоловнинг онаси Сабоҳат Жалолова ана шундай сермашаққат йўлни чидам билан босиб келаётган аёллардан бири. Угли 2015 йил Россияда бокс бўйича ўтказилган жаҳон кубогига халқаро миқёсдаги дастлабки зафарли жангини ўтказиб, олтин медални қўлга киритганиди. 2016 йилда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган ёзги Олимпия уйинларининг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон байроғини кўтариб ўтишдек шарафли вазифа унинг зиммасига юклатилганиди. Аммо афсуски, бу мусобақада омади келмай совриндор бўла олмади. Умидини узмаган она ўглини яна олға қадам босишига ундади. Тинимсиз меҳнатлар, уйқусиз тунлар, машгулотлар бесамар кетмади. Жорий йилда АҚШнинг Нью-Йорк штатида ўтказилган баҳсда “NABF Junior” титул камарига, Таиландда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида олтин медалга сазовор бўлди. Бир неча халқаро мусобақаларда шоҳсупанинг юқори погонасини забт этганида, юрт мадҳияси унинг шарофатига қуйланганида онаизорнинг чеккан заҳматлари, машаққатлари бир зумда унут бўлган бўлса, не ажаб?! Сабоҳат опа бугун “Чемпионнинг онаси”, деган мартабага эришиб, ўгли билан бирга ғалабалар нашидасидан баҳраманд бўлмоқда.

– Ҳар бир спортчининг орзуси чемпион бўлиш. Мана, дуоларингиз ижобат бўлиб, ўглингиз жаҳон чемпиони бўлди. Баҳодирнинг болалиги ҳақида нима дейсиз?

– Фарзандинг камо-

лини, бахту саодатини кўриш она учун энг улуғ бахт. Унинг ортидан олқишлар олиш, Ватанга хизмати учун бутун элдан раҳматлар эшитишнинг қувончини таърифлаб беролмайман. Баҳодирнинг болалиги ҳақида гапирадиган бўлсам, спортга меҳри бўлакча эди. Болалар билан копток тебиб кўчадан бери келмасди. Баъзан уришиб, баъзида эса алдаб уйга олиб келардим. Лекин уй ишларида ҳам ёрдамлашарди. Мусобақалар тугаб, уйга дам олишга келса ҳозир ҳам кўмак бериб туради. Бир кунни хаста бўлиб ётиб қолдим. Ушанда 5 ёшлар эди чамаси. Бўйи газ плитасига зўрға етарди. Иккита тухум қайнатиб келибди. “Аяжон, мана мана еб олинг, тузалиб қоласиз”, дейди. Кўзларим қувончдан ёшланганиди. Табиатан вазмин, камгал бўлишига қарамай жуда меҳрибон. Айниқса, ҳайвонларни жуда яхши кўради. Бир кун ишдан келсам янги телефонини ўртоғига битта кучукчага алмаштирибди. Воҳ, ўшанда қувончини кўрсангиз эди... Ҳа

билан дарсдан кейин машгулотларга бирга олиб кетарди. Ўша кучукча катта бўлгунча бирга ёнида юрди. Товуқ, қушлар хатто мол-қўй ҳам боқиб кўрган.

– Бугун сизга ҳамма ҳавас қилмоқда. Албатта, бу кунларга осонликча эришилмади. Бўлажак чемпионнинг қизиқишларига оила аъзоларининг муносабати қандай эди?

– Минг афсуски, бу қутлуғ кунларини Баҳодирнинг дадаси кўра олмади.

У киши 2016 йилда оғир хасталиқдан вафот этдилар.

Биласизми?

Раҳматли

турмуш

ўртоғим

ҳам спортчи

эдилар.

Кураш билан

профессional

шуғул-

ланмасаларда,

Сурхон

воҳасида кураги

ерга тегмаган пол-

вонлардан бўлган.

Баҳодир бокс билан

шуғулланиши бошқаларга

нисбатан бироз кечроқ,

аниқроғи,

7-синфда ўқиб юрган кезлари бошлади.

Ундан аввал, футбол машгулотларига

мунтазам қатнашарди. Дарвозабон

эди. Спорт тадбирларида иштирокини

кўрган мураббийлар, хатто уни Муборакнинг

“Машъал” академиясига ҳам

ўқишга таклиф қилишганди. Лекин вақт

ўтиши билан боксга бўлган қизиқиш

устунлик қилди. Шу боис уни

бу спортнинг сир-асрорларини

ўрганиши учун Чирчиқ олимпия

заҳиралари коллежига юбордик.

Бу борада унга машҳур боксчи,

Осиё чемпиони Рустам Саидов

ҳамда тажрибали мураббий

Тулқин Қиличев устозлик

қилишди. 2013 йил илк

мартаба катталар ўртасида

Ўзбекистон чемпиони бўлди. Ўғлим болалигида “Мана, кўрасиз ая, мен албатта, жаҳон ва олимпияда чемпиони бўламан”, дерди. Президентимиз ташаббуси билан ёш авлод камолоти-га қаратилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик фарзандимнинг орзу-ниятлари ижобат бўлишига замин яратди. Олдинда уни яна катта ораси турибди. Яъни, 2020 йил Токиода ўтказиладиган ёзги Олимпия уйинларида олтин медални қўлга киритиш. Энди бор диққат эътибори ўша мусобақада. Насиб этса, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилади.

– Баҳодирнинг одатий кундалик режасидан нималар ўрин олган?

– Ўғлим ҳамма нарсадан боксини устун қўяди. Унинг кун тартибида ҳар кунги юмушлари билан бирга, машгулот асосий ўрнини эгаллайди. Ҳатто тўй-ҳашамлар билан машгулотлари тенг келиб қолса, шубҳасиз, машқ қилиш учун залга кетарди. Бу натижага эришиш учун ўғлим болаларча уйин-қулги ва эркаликлардан воз кечди. Унинг бу қатъиятлиги бугун дунёни қойил қолдиришига сабаб бўляпти.

– Ўғлингизни жангларини кузатаётганда нималарни ҳис қиласиз, ички кечинмаларингиз билан ўртоқлашсангиз.

– Мен ўша кунги ҳолатимни таърифлаш ёки тасвирлаш учун сўз тополмайман. Ўғлимни фақат ғолиб бўлишини чин дилдан хоҳлаб, дуо қиламан. Рингга чиққанини кўришга юрагим дов бермайди, лекин уни олқишлагани йиғилган кўни-қўшни, яқинларимизнинг ҳайқирикларидан ҳис қилардимки, ўғлим мардона жанг қилмоқда, юзимизни ёруғ қилади. Улар жим бўлиб қолишгандаги ҳолатимни эса... айтиб беролмайман. Баҳодир ярим финал босқичига чиқиб йўлида, америкалик Ричард Торресни нокаутга учратган эди. Кечаси билан ухлолмадим. Ўғлим ғолиб бўлди хурсанд эдим, лекин у боланинг онасининг аҳволини, она бўлачанинг учун унинг қалбидан кечаётган ғалаёнларни ҳис қилдим. Ўғлимга тез-тез телефон қилиб, рақибини аҳволини сўраб турдим. Унинг олдига бориб, ҳолидан хабар олишини сўрадим. Ҳар сафар мусобақадаги баҳсларда, машгулотларда жароҳатланиб қайтса, юрагим эзрилиб, бўлди, энди спорт билан шуғулланмайсан, деб туриб олардим. Спортчининг онаси бўлиш қийин. Бироқ, фарзандинг бошқа мамлакатда ўз юрти шарафини ҳимоя қилиб, Ватан байроғини кўларга кўтарса, сенинг қалбинг ҳам осмон қадар юксалар экан.

Сабоҳат опа Сароисё туманидаги 29 – умум таълим мактабида она тили ва адабиёт фанидан дарс беради. Фаровон юртимиз фарзандларининг ҳеч кимдан кам бўлмай улғайиши йўлида меҳнат қилаётган самимий ва фидойи муаллиманинг қувончидан, саодатидан юксак қувончу бахт бўлмас керак. Соғлом, баркамол фарзандлар она меҳри, меҳнатининг маҳсулидир. Шундай экан, ўзбекистонлик спортчиларнинг, демакки, Ўзбекистоннинг кўксига қадалаётган медалларда оналарнинг ҳам ҳиссалари бор. Халқаро майдонлардан юртига йилма-йил, ойма-ой ғалаба билан қайтаётган Баҳодирдек чемпион йигитларимизнинг энг аввало, оналарига таъзим қилайлик!

Чарос ДЎСТМАТОВА,

«Оила ва жамият»

муҳбири

oilavajamiyat@mail.ru



RAQSLARDA XALQNING ORZU-ARMONLARI MUJASSAM

Хозирги кунда ижтимоий тармоқлар орқали ўзбек рақс санъати-ни хурмача “қилиқ”лари билан “бойи-таётган” сохта “раққоса”лар кўпайиб қолди. Бир қарасангиз қайсидир тўйда ўзбек аёли оёғидаги туфлисини ечиб, ерга ётиб олиб, жазавага тушиб, рақсга тушаётганига гувоҳ бўласиз. Яна бошқа видеолавҳаларда эса йўлнинг ўртасида, дала ҳовлиларда, кафе ва ресторнларда шира-кайф ҳолатда рақсга тушаётган хотин-қизларга кўзингиз тушиб, беихтиёр ёқа ушлайсиз.

Энг ачинарлиси тармоқ кузатувчилари орасида бундайларнинг хатти-ҳаракатларини маъқуллаб “лайк” босаётган, яъни кўллаб-куватлаётганларнинг кўплигида. Аслида рақс инсоннинг бой ички ҳис-туйғулари, маънавий гўзаллиги, ҳаёси, қувончу ташвишларини ифодаловчи мукаммал санъат. Бу санъатнинг ўтмиши Мукаррама Турғунбоева, Қундуз Мирқаримова, Тамираҳоним, Маъмура Эргашева, Қизлархон Дўстмухамедова, Рушана Султоновалар билан бошланган. Рақснинг бугунги кундаги тақдири эса Шодиёра Омонова, Малика Қурбонова, Паризода Шерматова каби раққосалар зиммасида турибди. Иқтидорли раққоса Шодиёра Омонова билан суҳбатимиз айнан бугунги кун рақс санъатидаги ориқли нўқталар хусусида кечди.

РАҚС, ШЕЪРИЯТ ВА ТЕАТР

Кейинги пайтларда менга журналистлар томонидан, “Бугунги кун рақс санъати томошабинни шеърият ва театр каби чуқур ўйлантириб, ҳайратлантира оляптими?” деган савол беришяпти. Бугунги кун рақс санъати барча жамоатчилики бирдек ўйлантираётти деб айта оламан. Бунга мисол тарихийда жорий йилнинг сентябрь ойида Тошкент давлат



миллий рақс ва хореография олий мактаби фаолият бошлаганини айтиб ўтишим мумкин. Ёки Хоразмда бўлиб ўтган “рақс сеҳри” деб номланган фестивални олайлик. Ушбу фестивал орқали қанча-қанча иқтидор эгалари халқимизга танилди. Рақс ҳам театр ёки китоб каби ўйлантираётгани учун ҳам айнан бу қадамлар қўйилмоқда деб ўйлайман.

“ШОДИЁРА”НИНГ ИЛК ҚАДАМЛАРИ

Ўзим фаолият юритаётган “Шодиёра” рақс ансамблимиз иш бошлаганига унчалик кўп бўлмади. Ҳар битта ансамбль янги ташкил этилганидан сўнг ўз йўналишини топиш яъни қолипга тушиш учун анча вақт керак бўлади. Ҳозир жамоамиз изланишда. Буюк санъаткорларимиз яратган мукаммал асарларнинг сир-синоатини ўрганиб, ўзимиздан ҳам янги ижод намуналарини қўшишга интиляпмиз. Насиб бўлса яқин кунларда репертуаримиз мазмунли ва жозибали рақслар билан бойийди.

РАҚҚОСА ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Шодиёра ОМО НОВА – 1991 йилда Наманган шаҳрида туғилган. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтини битирган. 2014 йилда “Эътироф” давлат мукофотида сазовор бўлган. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Алишер Файз (Турдиев)нинг “Ёлгон экан-ку” деб номланган кўшиғидаги рақси Ш. Омоновани шухрат зинапояларидан кўтарилишига тurtки бўлди.

видеолавҳалар кўпайиб қолди. Шу сабабли ижтимоий тармоқларда баҳслар бўлиб турибди. Бу ҳолат халқимизни табиатида хос одат. Яъни ёмон нарса тез тарқалиб кетади. Яхши нарсалар тезда унутилади, ҳаттоки кўринмай ҳам кетиши бор гап. Айнан бу сўкиниш билан боғлиқ ҳолат бўлгани учун ҳам одамларнинг жаҳлини кўзготган бўлиши табиий. Менимча, виртуал оламда ҳам маънавиятимизни бойитишга таъсир қиладиган мавзулардаги роликларни кўпайтириш вақти келди.

МУАММОЛАР НИМАДА? ЕЧИМ-ЧИ?

Ўзбек рақс санъатида ўз услубига эга устозларимиз жуда ҳам кўп. Аммо энг катта муаммо устоз-шогирд ани-анасининг

Яқинда тиш шифокорига боргандим. Муолажа қиладиган шифокор семинарда қатнашиши зарурлигини айтиб, мендан уэр сўраб, муолажани бошқа кунга қолдирди. Шифокорлар ўз соҳаларида янгиликлардан семинар орқали хабар топиб, сўнг беморлар билан иш олиб боришади. Рақс санъатидаям устозларимиз Карима Узоқовани 3 ойлик курслари, Қодир Мўминовни 6 ойлик рақс мактаблари бор. Агар раққосалар ҳам мана шу жойларга бориб ўқиш, тажриба ва малака ошириш имкониятига эга бўлса, ижодимизда янада ривожланиш бўлади, деб ўйламан.

БУГУНГИ РАҚҚОСАЛАР

Ҳозир ёш раққосалар қандай рақс тушяпти, деган саволга жавоб беришим бироз қийин. Сабаби ҳали ўзим ҳам ёшман. Фикрларим танқиддай бўлиб кўриниши мумкин. Аммо муаммолар ҳақида айтмасак, гапирмасак уларга ечим ҳам топилмайдди. Кўпгина ёш раққосалар орасида меҳнат қиладиганлари талайгина. Аммо уларнинг кўпчилигини халқимиз яхши таниб улгурмаган. Улар орасида яхши ижод қиладигани ҳам, умуман ижод қиладиганлари яъни оёқ-қўлини ишлатишни бил-



майдиган, талабга жавоб бера олмайдиганлари ҳам бор. Мухлислар санъаткор юзаки хатти-ҳаракат қиляптими ёки чин юракдан бажаряптими ҳаттоки энг майда қилиқларигача ҳис этиб туради.

ХАЛҚ ҲАЁТИ МУЖАССАМ

Маърифатпарвар адиб Абдурауф Фитрат: ... “Рақс шундай санъатки, у халқнинг, ҳар бир миллатнинг маънавий ҳаётини кўрсатиб турадиган Аллоҳ таоло яратган бир мўъжиза” деган фикр билдирган. Бунга мисол тариқасида Мукаррама Турғунбоеванинг “Пилла” рақсини изоҳлаб ўтмоқчиман. Ушбу рақс орқали ипак қуртидан ипак ишлаб чиқариш жараёнини кўрсатиб берган. Бунда ўзбек халқининг меҳнаткашлигини, тўғрисўзлиги, қатъияти ҳам ифодаланган. Мукаррама Турғунбоева рақсларини халқ ҳаётидан олиб мужассамлаштириб яна халққа тақдим этганлар.

Нигора РАҲМОНОВА суҳбатлашди.

“ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРГА КАМ КИРАМАН”

Ижтимоий тармоқларга муносабатим яхши. Аммо жудаям кўп вақт ажрата олмайман. Фикр имунитетимни оширишга фойдали маслаҳатлар бўлса ўқийман, кузатаман. Ибратли мақолаларни ҳаттоки сақлаб ҳам қўяман. Аммо инсонни даргазаб қиладиган видеолавҳаларга эътибор бермайман. Эшитишимча кейинги пайтларда вилоят, туман ҳокимлари томонидан фуқаролар билан кўпол муомалада бўлингани айниқса сўкингани ҳақидаги

суҳбатлигида. Устозлар билан маҳорат дарслар ўтказилмаслигида. Масалан, қайсидир ансамблда фаолият юритсам, ўша ансамбл менга ўзининг сир синоатини очади. Бошқа ансамблга борсам, улар ўргатишади аммо услубларини очмайди. Балки буни сир сақлаш керак деб ўйлашар, балки оммалашиб кетишларини исташмас, хуллас сабаби негалигини тушунмайман. Рақс мактаблари ўртасида тажриба алмашиб йўқлиги боис ривожланиш кўнгилдагидек деб бўлмайди. Рақсдан бошқа барча соҳаларда малака ошириш курслари бор. Ёки вақтинчалик 3-6 ойлик мактаблар етарли.

Ричард Тиффани Гир “Олтин глобус” мукофоти совриндори, шунингдек, “Оскар” ва “Эмми” мукофоти номинанти. Хатико: “Энг содиқ дўст”, “Офатижон”, “Ибтидоий кўркув”, “Чикаго” ва бошқа кўплаб фильмлардаги роллари билан машхур.

Америкалик актёр Ричард Тиффани Гир 1949 йил 31 августда Филадельфияда англо-ирланд оиласида туғилган. Отаси Гомер Джордж Гир суғурта компанияси агенти, онаси Дорис Анна Тиффани уй бекаси бўлган. Учта синглиси, иккита укаси бор. Ричардлар оиласи жуда камтарин, аммо аҳил яшашган. Гирнинг болалиги табиат кўйида ўтди – у фермада ҳайвонларга ғамхўрлик қилиш ва ерларга ишлов беришда оила аъзоларига ҳақиқий кўмакчи бўлди.

Ўрта мактабни тугатгач (1967 йилда) Массачусетский университетига фалсафа ва режиссура йўналишига ўқишга кирди. Икки йиллик машғулотлардан сўнг у университетни тарк этди ва жиддий равишда профессионал труба (муסיқа асбоби)чи бўлишга қарор

тортиб юрди, чунки унга фильм сценарийси қизиқарсиз ва муваффақиятсиз туюлган эди.

Шахсий агенти Ричардга ушбу фильмда суратга тушиш орқали қарзини қоплаш учун етарли маблағни тўплаши мумкинлигини сабаб қилиб кўрсатди.

70-йилларнинг ўрталарида кино соҳасида ўз фаолиятини бошлаган ёш актёрнинг “Америкалик шоввоз” фильмидаги асосий роли миллионлаб мухлислар олқишига сазовор бўлди.

“BAKHSIZ, UYSIZ” ODAMGA PITSA BERISHDI

қилди. Орсусини амалга ошириш шижоатида у Вермонт штатининг рок муסיқачилари жамоасига ишга жойлашди. Бироқ муסיқачилар актёрлардан кўра инжиқроқ эканлигини англаб етгач, жамоани тарк этди. Ричард Гир истеъдодли гимнастикчи бўлиб, ҳатто бунинг учун коллежда стипендия олган.

Карьерасининг бошида Ричард ўз салоҳиятидан қандай фойдаланишни билмас эди. Унинг характери бошиқ ва сирли эди, жамоат жойларида ўзининг совуққонлиги билан ажралиб турарди. Дўстлари уни тушуниб бўлмайдиган оғир характерли инсон деб ҳисоблашган. Уни ўз карьерасини қила олмайди, деган гап сўзлар ҳам йўқ эмасди. Бироқ – театрдa бўлиб ўтган кастингда режиссёрлар Ричарддаги истеъдодни кўрди ва ўз истеъдодини театр сахнасида синаб кўришни таклиф қилди.

У дастлаб театрдa турли хил эпизодик ролларни ижро этиб юрди, 1975 йилда эса “Қотил боши” деб номланувчи асарда асосий роллардан бирини ўйнади.

Ушбу сахна асари жуда жиддий ва мураккаб эди. Ричарднинг қахрамони сахнада кўзи боғлиқ ҳолда ўтириб, ўз ҳикоясини сўзлаши, барча ҳис туйғуларини овоз интонацияси ёрдамида тасвирлаб бериши керак эди. Спектаклдан сўнг Ричарднинг истеъдоди дунёга танилди. Кино ижодкорлари дарҳол янги юлдузга эътибор қаратдилар. Кейинчалик Ричард Гир Broadwayда бир неча муваффақиятли чиқишлар қилди ва “Theatre World Award” мукофотини қўлга киритди.

ФИЛЬМЛАРИ

70-йилларнинг ўрталарида кино соҳасида ўз фаолиятини бошлаган ёш актёрнинг “Америкалик шоввоз” фильмидаги асосий роли миллионлаб мухлислар олқишига сазовор бўлди.

“Офатижон” деб номланган фильмда унга Жюлиа Робертс ҳамроҳлик қилди ва фильм афсонага айланди. Айтганча, Ричард Гир узоқ вақтгача ушбу фильмда суратга тушишдан бош

Шундай қилиб, энг машхур ролларидан бирини у пул учун ўйнашга рози бўлди.

Муваффақиятли лойиҳалар бир-бирини таъқиб қилдилар. 1999 йилда Ричард Гир “Сайёрамизнинг энг жозибали эркаги” деб аталди. “Чикаго” муסיқий асари Ричарднинг театр ва кинодаги истеъдодини бирлаштирди ва у асосий роли учун “Олтин глобус” мукофотига сазовор бўлди.

Ричард Гирнинг яна бир кутилмаган роли 2015 йилда бир фильмдаги уйсизлар роли эди. Нью Йоркда фильмни суратга олиш жараёнида кулгили воқеа рўй берди. Ричард оломон тўла кўчада озиқ-овқат қидириш учун ахлат қутисига ташланган уйсиз одам ролини ижро этди.

Тасодифан суратга олиш майдончасига кириб қолган сайёҳ, бу жараёни кўргач Ричард Гирни танимасдан “бахтсиз, уйсиз”га бир бўлак пицца берди. Уйсизлар тасвирида унинг олдида биринчи даражали кино юлдузи пайдо бўлганлигини қиз бир неча кундан кейин газетанинг биринчи саҳифасида сурати босилиб чиққанидан сўнг билиб олди.

Дунёнинг барча бурчагидаги аёллар унга меҳр-муҳаббат қўйганига қарамасдан, 40 ёшга тўлганидан сўнг Ричард никоҳга тайёр эканлигини тушунди.

Ричарднинг 1991 йил 12 декабрда топ-модель ва актриса Синди Кроуфорд билан тузилган никоҳи 5 йил 1995 йил 1 декабрда давом этди.

Орадан етти йил ўтгач,

2002 йил ноябрда Ричард актриса ва модел Кэри Лоуэллга уйланди ва бу никоҳ 2016 йил 18 октябрда давом этди.



Ричард иккинчи марта оила қурди. Актриса Кери Лоуэллга уйланди.

Уларнинг оиласида ўғил фарзанднинг дунёга келиши унчалик узоққа чўзилмади. Гомер Джеймс Джигми Гир (06.02.2000) исмли ёқимтойгина болакай дунёга келди. Бундан ташқари Керининг олдинги никоҳидан қизи бор эди. Кери карьерасини тарк этиб, ўзини оиласи ва фарзандлари тарбиясига бағишлади. Ана ўша иноқ оила Ричардни зерикарли ва сирли одамдан ҳар бир кундан қандай завқланиб яшашни биладиган жуда бахтли одамга айлантирди.

Бироқ, тақдир Ричардни хиндистонлик гўзал телебошловчи билан учраштирди. Кўп ойлар давомида ишқий муносабатлар давом этди. Бу Ричарднинг хотини етиб борди ва 2013 йилда ишонч йўқолганлиги сабабли улар ажралишга қарор қилишди. Суд ёпиқ ҳолатда олиб борилди ва узоқ вақт давом этди (ари-за қабул қилинган кундан уч йил ўтиб,

2016 йилда эр хотин расман ажрашди).

2018 йил апрелда Ричард Гир тўйдан уч йил олдин учрашишни бошлаган публицист Александра Сильва билан турмуш қурди. Эр хотиннинг Александр Гир исмли ўғли бор.

“МЭРИГОЛД” ФИЛЬМИ СЪЁМКАСИ УЧУН ҲИНДИСТОНДА

Актёр ўз ёшини хис қилмаслигини, аммо яширмаслигини тан олади. Мисол учун, у ташқи кўринишини тубдан ўзгартиришни, хусусан, кулранг сочларини бошқа ранга бўёшни талаб қиладиган ролларга рози бўлмайди. Ричард бўш вақтини болалари билан ўтказди. Унинг сўзларига кўра ўғли Гомер кино санъатига умуман қизиқмайди, аммо ота ва ўғилни боғлаб турадиган бошқа умумий қизиқишлар талайгина.

Актёр буддизмни эътироф этади. 80 йилларда у шарқ фалсафасига қизиқиб қолди ва аста секин бутун ҳаёти давомида ҳамроҳ бўлган буддизмга кирди. У бир неча бор Тибет аҳолиси ҳуқуқларини ҳимоя қилди, норозилик акцияларида иштирок этди ва бу минтақада инсон ҳуқуқлари муаммосига ҳар томонлама эътибор қаратди.

ҲОЗИРГИ КУНДА...

Ричард Гир шунингдек, сайёрамизда яшовчи қабила ва халқларнинг ҳуқуқлари ва ерларини ҳимоя қилиш жамоат ташкилотининг аъзоси. У экологияни ҳимоялаш ва ОИТСни тарқалишини олдини олиш масаласи бўйича жамоатчилик мулоқотида иштирок этади. (Ҳиндистонда у ҳатто касаллик билан курашиш марказини ташкил этишга ҳомийлик қилган). Актёр Ҳиндистонда кўплаб гуманитар миссияларни моддий жиҳатдан қўллаб қувватлайди.

Рус тилидан
Мадина АЛЛАБЕРГАНОВА
таржимаси

ОТАМНИНГ ХАЗИНАСИ

Отам ўз устахона-сида чархдан ўт сачратиб тигли асбобларни

тоблаб ўтираркан, негадир шу жулдур чопони ва қадоқ қўллари билан менинг болалик тасав-вуримда афсонавий баҳодирларга ўхшаб гавдаланарди. У киши одатда иш билан келгувчилар билан ортиқча сўзлашмас, гурунг бергувчи норози бўлиб:

– Уста, ичингизга тилла бер-китганмисиз?! Қанча гапирдим, индамайсиз-а! – деса, мийғида кулиб-гина кўяқолардилар. Бу ҳолни кузатиб эса гуё у зот ҳаммадан кучли одамдек, менинг ихлосим янада ошарди.

Аммо одам боласи йил сайин улғайиб, йил сайин ўзгарар экан. Менинг ҳам ёшимга ёш, ақлимга ақл қўшилди-ю, бир куни отам ҳеч қандай баҳодир эмас, оддийгина бир ишчи эканини тушуниб қолдим. У кишининг чарх олдида мук тушиб ғарибсифат ўтиришлари ҳам, ўшанда кўзимга анчайин ачинарли бўлиб кўриниб кетди.

Бу орада мактабдан таътилга чиқиб биз уч-тўрт ўспириннинг хаёлида мардикор ишлаш фикри туғилиб қолди. Уйдагиларга бу ҳақда айтар эканман, мен мисоли ишлаб топган ҳақимни отам олиб қўйиши мумкиндай, ўзим билан шерик дўстларим пулни фақат ўзлари учун йиғашганини таъкидлаб ўтдим.

– Яхши, ҳалол меҳнатнинг айби йўқ, – дедилар бу ҳақда эшитган отам ўз одатига хос босиқлик билан, – фақат оғир ишлар қилманглар. Ўт ўриш, ариқ қовлаш бўлса, дуруст.

Ўртоқларим билан ишлаб жуда ёлчитмаган бўлсак-да, ишқилиб қўлимиз уч-тўрт сўм кўриб қолди. Мен ҳар сафар арзимаган иш ҳақимни олишим билан келтириб онамнинг қўлига топширар, худди бир дунё пул йиғиб, ошиб-тошиб



кетаётган одамдай ўзимда йўқ шод эдим!

Таътил ниҳоялаб дўстларим билан осон ва сердаромад иш излайвериб қилган саргузаштимиз ҳам поёнига етди. Аммо йиғиб келаётган пулларимни сўраб онамга юзлансам, пулларимни асраб қўйишга ваъда берган онам берганимнинг ярминигина чиқариб берди.

– Қолгани қани?! – дедим аччиқланиб.
– Отанг олганди, – жавоб берди онам.

– Нега олади?! Ахир пулни фақат ўзим учун йиғишимга келишмаганим-ди-ки?!

– Ундай дема, эшитса хафа бўладилар-а? Отанг пулларингни сенга ишлатаман деб олди, болам. Ўғлимнинг ўз пешона теридан ўзига чарх, асбоб-ускуна олиб қўяман, мактабни битирса ёнимда ўтириб иш ўрганади, деяётган эди.

– Боринглар-э! Келиб-келиб чархчи бўламанми! – дедим-у, аразлаб уйдан чиқиб кетдим.

– Ундай дема, эшитса хафа бўладилар-а? Отанг пулларингни сенга ишлатаман деб олди, болам. Ўғлимнинг ўз пешона теридан ўзига чарх, асбоб-ускуна олиб қўяман, мактабни битирса ёнимда ўтириб иш ўрганади, деяётган эди.

– Боринглар-э! Келиб-келиб чархчи бўламанми! – дедим-у, аразлаб уйдан чиқиб кетдим.

бўламанми! – дедим-у, аразлаб уйдан чиқиб кетдим.

Ҳойнаҳой бўлиб ўтган гаплардан хабар топган бўлса керак, бир неча кун ўтиб отам қўлимга бироз пул тутказди.

– Буни олгин ўғлим, мактабни ҳам очилишига оз қолди, – деди сир бой бермасдан, – Ўзинг топган пулдан қолганига қўшгин-да, бозорга тушиб

усти-бош олгин.

Ўспириннинг феъли тошбақага ўхшайди асли: терс бўлиши ҳам, ўнг бўлиши ҳам осон. Отам узатган пулни олдим-у, қайтадан димогим чоғ бўлди-қолди!

Ўн бир йиллик мактабни томомла-ндан сўнг ортиқ ўқишларимни давом эттиролмадим, камхаржлимиз панд берди. Отам кутганидай оддий чархчи бўлгим йўқ эди. Бироз вақт бозорда ишладим, бир муддат тайинли иш ахтариб шаҳарга кетдим. Бироқ, шу ўртада онам топган қизга уйланиб бўйнимга олаҳўржин тушди-ю, кундалик сарф ҳаражатларим учунгина пул ишлаб толиб такасалтанг юришларимга чек қўйиш пайти келганига ақлим етди.

– Ота, – дедим ўшанда отамнинг қаршисига бошимни эгиб, – менинг чархим турибдими?

– Баракалла, оила боши буб қолсан-ку ўғлим! – елкамга қоқдилар отам.

– Келажак ҳаётингда бутун умр шу учта нарсани унутма. Биринчиси, дарахт бир жойда кўкаради, иккинчиси, тўғри тиласанг худо ҳеч қачон ризқингни узиб қўймайди, учинчиси... Ота касби хазина, болам, ота касбида барака бўлади! Чархингни асраб қўйганман албатта!

Хижолат бўлиб отамнинг мамнун-ликдан порлаб турган юзига ердан аста қараб олдим-у, бу сафар у зот кўзимга донишманд авлиёдай кўриниб кетди-йей!

Шундай қилиб отамнинг устахона-сига бориб иш бошлаб юбордим. Бир-галашиб секин-секин фаолиятимизни кенгайтирдик, устахона олдига раста жойлаштириб, турли асбоб-ускуна ҳам сота бошладик... Бугун отамни ерга қўйганимизга саккиз йил бўлиб қолди. Лекин яратганга минг шукур, у киши қолдирган хазина билан бола-чақамни ҳеч нарсага зориқтирмай боқиб келаялман.

Жафар СОДИҚ

ПАУЛАНИНГ ТЎҚИМАСИ РОСТ ЭКАН

Лиссабонлик Паула Леса ёшлик даврида бошидан ўтказганларини ҳикоя қилиб беришни ёқтиради. Илгари у "McDonald's" да ишлаган ва тез-тез оч қолган болаларни-бўлғуси футболчиларни овқатлантирган. Унинг сўзларига кўра болалардан бири Криштиану Роналду эди. Бироқ, Пауланинг гапларига ҳатто ўзининг ўғли ҳам ишонмади. Болакай бу воқеани "Онам ўзи тўқиб чиқарган", деб ўйларди.

– "Купинча гамбургерлар ортиб қолганида менеджер болаларни

овқатлантиришга рухсат берар эди", – дейди аёл. Улардан бири Криштиану бўлиб, жуда уятчан эди. У ҳамиша овқатланишга келган болаларнинг энг охирида навбатда турарди.

Кутилмаганда футболчининг ўзи инглиз телевидениесига берган интервьюсида бу ҳикояни тасдиқлади.

– "У пайтларда озгина қийналиб қолардим" деди Криштиану. – Ўн икки ёшда эдим, оиламдан узоқда, баъзида озиқ-овқат учун етарли пулим бўлмасди. Мағшулотлардан кейин эса ҳар доим овқатланишни хоҳлардим. Яхшиямки "McDonald's"да бизга со-

тувчи Эдна ва яна икки қиз гамбургер беришарди. Эҳтимол бу интервью сизни топишга ёрдам берар. Мен сизни кечки овқатга таклиф қилмоқчиман ва қилган барча яхшиликларингиз учун раҳмат айтаман. Буни ҳеч қачон унутмаганман.

"Мен ҳали ҳам ҳаяжондаман", – дейди Паула кулиб. – Миллионлаб мухлисларга эга футбол қироли бунитан олганида ўғлимнинг юз и н и кўраганингизда эди. Энди ҳамма мен ҳеч нимани ўзим тўқиб чиқармаганимга ишонди. Кечки овқатда Криштиану билан ўтган кунларни эслаймиз".

МУНОСАБАТЛАР ЎЗARO ИШОНЧГА АСОСЛАНГАН

36 ёшли Николай Апановичнинг кўзи ўқувчилик даврида кўрмай қолди, лекин бу унинг ёқтирган касбини танлашга тўсқинлик қилмади. У Беларус шаҳар мактабда тарих ва жамият-шунослик фани ўқитувчиси бўлиб ишлайди. Кўзи ожиз ўқитувчининг иши ўзига хос хусусиятларга эга. Журнал тўлдиршига ўқувчиларнинг ўзлари

G'aroyib voqealar

ёрдам беришади.

Кўргазмали материалларни ўқитувчи принтерда чоп этади.

Ўқувчилар ёзма ишларини овоз чиқариб ўқишади. Болалар билан муносабатлар тўлиқ ишончга асосланган. Ўзларига яхши баҳо қўйиш учун ажойиб имкониятга қарамадан, болалар буни кўзи ожиз ўқитувчига нисбатан адолатсизлик деб ҳисоблашади.

12 йиллик иш тажрибаси давомида Апатовни икки марта алдашга уринишди:

– "Бир қиз журналга ўзига яхши баҳо қўйиб олди, – дейди Николай Васильевич. – Лекин виждони устунлик қилиб, ўз айбини тан олди". Иккинчи марта талаба синфда эди, аммо у йўқ эдим деб даъво қилди. Гарчи бундай болалар кўп бўлса-да, уларни назорат қилиш мумкин.

Асосий дарслардан ортиб Апанович болаларга гитара чалишни ўргатади ва келажакда ўз гуруҳини яратишни орзу қилади.

Жасмин тайёрлади



O'ZIMIZNIKI, DEYISHNI QACHON O'RGANAMIZ?..

Эрталаб боғча ҳовлисига етаклашиб киришимиз билан кичкинтойим қўлчаларини қўлларимдан бўшатиб югургилаб кетди. Кузатиб турдим. У эндигина еб тугатган ширинлиги қоғозини ҳовли чеккасидаги махсус чиқинди идишга ташлаб яна келиб қўлларимдан тутиб, шундай деди: “Ойжон, “Панки”ни еб, қоғозини ҳар жойга отиб кетиш келакмас. Уни мусл идишга ташлаш келак. Фотима опам айтди”. Тўғриси, ҳали тили тўлиқ чиқиб улгурмаган ўғлимнинг бу ишидан ҳам ҳайратландим, ҳам хурсанд бўлдим. Демак, болага бошидан ўргат, қулоғида қолади, дегани шу бўлса керак-да...

Биз катталар болажонларни сергалик, инжиқлиги эркатойлик борасида кўп тергаймиз. Аммо итоатгўйлик ва ростсўзликни, керак бўлса одобни улардан ўрганишимиз мумкин. Энг қувонарлиси, бу биз берган тарбиянинг ширин меваси.

Энди ўриндиқни
ТАЪМИРЛАШ КЕРАК

Автобуста ўн-ўн беш чоғли ўспирин йигит-қизлар қий-чув кўтариб чиқишди. Уларнинг баланд овозда, бир-бирига илмоқли гаплар билан муомала қилиши кўпчиликни ғашини келтирарди.

Автоулов бурилишга келганда, тўрт-бештаси битта ўриндиққа бор оғирлигини солиб, унинг суянчигини кўчириб юборишди. Аммо, улар ҳамон

кичик йўлаклар бўйлаб борарканман, баъзи ўриндиқларни тушунарси “севги изхори”, “қўлбола” карикатуралар беба турарди... Бу ҳолат айрим ёшларимизнинг одоб, ахлоқ масалаларида анча саёз фикрлашининг бир кўриниши эмасмикин? Пойтахтимиздаги энг гавжум бу манзилни юртимизнинг узок

ёшларимиз билганда, оқ деворга “қора битик” ёзиб кетишмаган бўлишарди.!

ТУЙГУЛАР ОРАСИ
УЗОҚМИ?

МУМ (ЦУМ). Ҳаммамиз яхши биламиз. Унинг ён-атрофи меҳмонхона, турфа хилдаги савдо мажмуалари. Хуллас, ҳар жиҳатдан “элитний” жой. Унинг ёнгинасидаги хиёбонда сунъий ўт қопламали ҳайвон ҳайкаллари ўрнатилган. Тўғрироғи, шохдор бугулар. Минг афсуски, бу яшил ҳайкаллар бахш этган завққа улардаги яшил қопламаларни юлиб-юлиб чанг солинган...

Кимдир замонавийликни гўзалликдан ахтарса, яна кимдир мана шундай бузғунчиликда тушунади. Бу ҳолатни айнан иккинчи тоифадагиларнинг “ташаббуси” дея айта оламиз. Хўш айтинг-чи, ҳаётда туйғулар ораси шунчалар яқинми?..

ОЁҚ КИЙИМИДАН ҚОЛГАН
“МУҲР”

Мактаб. Ота-оналар йигилишига бордим. Янги ўқув йили бошланганига ҳали кўп бўлмади. Аммо мен ўтирган партага кимдир ручка билан бўяб ёзибди. Балки у менинг қизим ёки ўғлим бўлиши ҳам мумкин. Синф хонасига кириш эшигида ўғил боланикиги аниқ оёқ кийимидан қолган “муҳр”...

Агар ҳовлимизга битта гишт қўйиб таъмирласак, унинг жойидан силжимаслиги учун ҳар он сергак ва ҳушёр ҳаммани оғоҳлантираемиз. Хона эшигини телиб очиб у ёқда турсин, тўтиқини бураб енгил итариб оч, дея болаларга танбеҳ берамиз. Аммо мактаб эшигини-чи? Таълим-тарбия дарағидан авлодга ўтадиган умумий ва қадрли эканлигини-чи?

МАЙДОНЧА НЕГА
ХУВИЛЛАБ ҚОЛДИ?

Бир-биридан чиройли ва ранг-баранг бўёқли аргимчоқлар. Яйраб-қувнаб, шаталоқ отиб вақтини чоғ ўтказётган болаларнинг қувончини айтмайсизми? Беихтиёр “Аргимчоқлар турли-туман, қай бирида учгинг келса, шунисида уч!”, деб юборгинг келади.

Ширкатдагилар таъмирлаб берган майдонча ёнидан шундай ўй билан ўтганимга кўп бўлгани йўқ. Аммо бугун болалар майдончаси хувиллаб ётибди. Майдончада катталар турниги, баскетбол савати яна икки ёқлама аргимчоқдан бошқа яроқлиси йўқ. Очиги, ўриндиқнинг тахтаси кўчирилган, ҳатто таги билан кўприб ташланган, умуман яроқсиз ҳолатга келиб қолган аргимчоқларни-ю атиги икки-уч нафар болакайнинг майдончада ҳафсаласизгина ўйнаётганини кўриб ичим ачишди...

Орамизда аргимчоқлар ўзи жуда нозик, салгинага метали қийшайиб синиб кетади, деб ўзини оқловчилар ҳам топилади, албатта. Аммо биз – катталар боламизнинг қайси аргимчоқдан фойдаланиши мумкинлигини фарқлай оламиз-ку?! Қолаверса, болаларни назоратсиз майдончада қолдирмаймиз. Уларнинг ёнида ҳаммиша катта одам бўлади-ку?!

ХУЛОСА
ЎРНИДА

Сизга йўл-йўлакай
гувоҳи бўлиб санаган-

ларимиз шунчаки, арзимас хато ва камчилик бўлиб кўриниши мумкин. Аммо муаммонинг уйлантирадиган жиҳати бундай арзиммаган майда-чўйдалар катталашиб, маданият деган тушунчани емириши маданиятсизликка элтишида. Маданиятсизликнинг кўринишларига эса вазиятдан келиб чиқиб турлича таъриф, тавсиф бериш мумкин.

Юқорида дуч келганларимизни бирлаштириб турган тушунча – орамизда, айниқса, айрим ёшларимизда ўзимники, бизники деган қарашнинг йўқлиги. Балки шу ўринда “Одобни одобсиздан ўрган” мақолини ҳам келтириш жоиздир. Унда қачон ўзимизники дейишни ўрганаемиз?

Сиз ҳам йўл-йўлакай дуч келган ҳолатларга қандай изоҳ берасиз? Энг мақбул мулоҳаза ва хулосага келишингизга ишонаемиз.

Гулноза ТУРҒУНБОЕВА,
журналист.

ЭЪЛОН

Джурова Сайёра
Турдимаҳаматовна номига И.Г. Зиёев номи Андижон тиббиёт билим юрти томонидан берилган РТ-346261 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР қилинади.



бир-бирига: “Ана, ана шу тепаликка чиқмайлик дегандим-ку, сенларга”, қабилидаги гап-сўзлар билан “сўз ўйини”ни давом эттирарди. Бир бекаат юриб, тушиб қолишди. Энди бу ўриндиқни таъмирлаш керак...

Ёшлик умрнинг энг гўзал фасли. Минг афсуски, баъзан бу нафис фасл ҳавойи енгил ҳаётга маҳлиё ўспирин йигит-қизларнинг бебошликлари соясида қолиб кетади. Бу тарбия биз қилган қайсидир хатоликдан дарак. Чунки ёшлик – бебошлик эмас.

ТУШУНАРСИЗ “СЕВГИ
ИЗҲОРИ”

Сенатга тadbирга боришим керак. Пойтахтимизнинг бетакрор сўлим кўчалари, бир-биридан мухташам биноларни ортада қолдириб пиёда борялман. Чаман бўлиб очилган гуллар инсон кўнглини яйратиб, баҳри дилини очади. Мусиқали фаввора ёнида янги қурилган замонавий дизайндаги ўриндиқлар инсон қалбига ёшликка хос ажиб туйғуларни уйғотади. Аммо,

шаҳару қишлоқларидан, олис хориж давлатларидан келиб томоша қилаётганлар ёки бўлмаса бир кўриш иштиёқидагилар қанча... Айнан юртимизнинг бош майдонига яқин бу ҳудудни ҳар жиҳатдан замонавий кўринишда обод қилиш илинжидаги инсонларнинг меҳнати ҳар қандай эътирофга, мақтовга лойиқ. Аммо ёшларимизнинг “ижодкор” лиги-чи?

ЙўЛАҚДА ХОР БЎЛГАН
“СЕВГИ”

Амир Темур хиёбонидан сайилгоҳ кўчасига ўтиладиган ер ости йўли. Йўлакнинг мармар деворига катта-катта ҳарфлар билан қора бўёқда “Фалончи, мен сени севаман!” дея ёзилган “санъат асарини” ходим опалар битталаб тозалашарди. Энг ёмони, бўёқ деворга анча сингиб кетган ва аввалги ҳолатига келиши амримаҳол...

Байрам, тантана, саёҳат ёки шунчаки сайр қилишнинг афзалликлари кўп. Лекин бундай кайфиятда ҳам меъёрни билиш керакмикин?! Агар буни айрим

Амир Темур

хиёбонидан сайилгоҳ кўчасига ўтиладиган ер ости йўли. Йўлакнинг мармар деворига катта-катта ҳарфлар билан қора бўёқда “Фалончи, мен сени севаман!” дея ёзилган “санъат асарини” ходим опалар битталаб тозалашарди. Энг ёмони, бўёқ деворига анча сингиб кетган ва аввалги ҳолатига келиши амримаҳол...

LAB BO'YOG'I ZARARLIMI?

Французлар аллақачон лабини ҳар куни уч марта бўййдиган аёл кунига 16 мг. помада ёйишни аниқлашган. Баъзилар эса ундан ҳам кўпроқ. Эркак киши эса умри давомида аёллар лабидан 4 кгдан кўпроқ бўёқ "ейиши" аниқланган.

Лаб бўёғи - энг оммавий пардоз воситаларидан биридир. Аёллар сумкасида ҳатто бир неча рангли лаб бўёғини толиш мумкин. Статистик суровномаларга кўра, аёлларнинг бор-йўғи 64 фоизигина мунтазам равишда ўз макياجларини лаб бўёғи билан тугатишар экан.

Лаб бўёғи бошқа пардоз воситалари каби қадимги Мисрда ихтиро қилинган деган маълумот мавжуд. У пайтда лаб бўёғини асалари муми ва ҳайвон ёғидан тайёрлаб, унга қизил пигментларни қўшишган. Бўёқ асосан тўқроқ рангда бўлган ва лабларни визуал тарзда юпқа ва нафис қилиб кўрсатган. Миср аёллари ҳатто лаб бўёқларини ўзлари билан "нариги дунёга" ҳам олиб кетишган.

Қадимги юнонлар лаб бўёғини мисрликлардан ўзлаштиришган ва жуда оммабоп бўлган. Бунга машҳур илоҳлар жанжали ҳақида афсона мисол бўла олади: Зевс Троя шохининг ўғли Парисга Олимпнинг энг биринчи гўзали номи устида тортишайтган маъбудалар Гера, Афина ва Афродитани ажрим қилиб, энг гўзал маъбудани танлашни топширади. Парис мукофотни, яъни олмани муҳаббат маъбудаси Афродитага беради. Аммо тез орада жанжал кўтарилади: бошқа маъбудалар голибани фирибгарликда, яъни ула ва лаб бўёғидан фойдаланганликда айбашади.

Европада ўрта асрда лаб бўёғидан фойдаланган аёл жодугарликда айбала-

ниши мумкин бўлган. Ҳатто энг довурак модонараст аёллар ҳам оловда куйишни исташмаган, шу боис лаб бўёғи пардоз воситаси сифатида фақат уйғониш даврида яна ўз ўрнини топган. Бу пайтда пардоз воситаларидан шунчалик кўп фойдаланишганки, ҳатто XX асрда инглиз парламенти, агар турмушга чиққан қизнинг эри аслида хотини тўйдан олдингидай чиройли эмаслигини кўрса, эркакка ажрашиш ҳуқуқини берувчи қонунни қабул қилган.

Ҳозирги кўринишга яқин шаклдаги лаб бўёғи Париждаги Герлен пардоз фирмаси тўфайли пайдо бўлади. Бу тубикларга солинган помада эди. Ушбу пардоз воситаси XIX аср охирида Амстердамдаги жаҳон кўрғазмасида номийш этилади. Тўғри, у пайтда тубик ҳали ҳозиргидай кўринишда бўлмаган: таёқча шаклидаги лаб бўёғи шунчалик ипак мато парчасига ўралган. Тез орада францўз парфюмерлари лаб бўёғи учун ҳозирда бизга маълум бўлган ва ҳаракатланадиган тубик яратишди. Французлар ўз маҳсулотларини «Роуге Баисер» ёки «Қирмизи бўса» деб номлашади.

Ҳозир пардоз воситалари бозорда лаб бўёқларининг турлари шу даражада кўпки, ҳатто кўп нарсани кўрган аёл-



лар ҳам шошиб қолишади: турли ранглар ва туслар, ўрам шакллари. Ишлаб чиқарувчилар бизни уларнинг маҳсулоти нафақат аёлни гўзал қилиши, балки лабларни намлантириши, юмшатиши, озиклантириши ва химоя қилишини ҳам ўқтиришади.

Одатда лаб бўёғининг таркиби нималардан иборат? Помада асосан тўртта моддадан ташкил топади: қаттиқ асос (мумлар, ёғ ва мойлар), бўёвчи моддалар, ароматизаторлар, антиоксидовчилар. Буларнинг баъзилари аллергик реакцияни, аччиш, кичиш ёки қизаришни келтириб чиқариши мумкин. Аллергик реакцияни лаб бўёғининг таркибидagi кимёвий бўёқлар келтириб чиқаради. Помада таркибидagi куйидаги моддалар зарарли ҳисобланади: кармин - қизил-пушти рангли помадаларни ишлаб чиқаришда кўлланилади, аллергик реакцияларга сабабчи бўлиши мумкин; ланолин - лабларга намлантирувчи эффект бериш учун кўлланилади; вазелин - лабларни куриштириб, кўшимча бўёқ қатламини суришга мажбур этади ҳамда аллергик реакцияларни келтириб чиқаради. Тери қопламалари ва овқат ҳазм бўлиш тракти жуда таъсирчан кишиларда ушбу моддалар потенциал хавф ҳисобланади, улар бош оғриғига, кўнгил

айниши, тери муаммоларига сабаб бўлиши мумкин.

Ҳатто энг машҳур косметик фирмалар ҳам, агар лаб бўёғи таркибига нефт маҳсулотлари (минерал мойлар, кристалл парафинлар ва микрокристалл мум) кирган бўлса, улар зарарли бўлишини тан олишган. Чунки бу моддалар буйрак, жигар ва лимфатик тунларда йиғилиш каби хусусиятга эга.

Бундан ташқари, маълум бўлишича, лаб бўёғи тишларни ҳам емирав экан, яқинда Бразилидаги Сан-Паулу университети олимлари ана шундай кўнгилсиз нарсани кашф этишди. Улар жаҳондаги ўн та энг йирик компания томонидан ишлаб чиқилган лаб бўёқларини тадқиқ этганда, уларнинг кўпчилигининг таркибидa қаттиқ парафинлар мавжудлигини аниқлашди.

"Декоратив косметика таркибидa парафинлар миқдори албатта кўп эмас, - дейди экспертлар гуруҳининг раҳбари Антонио Хавер, - аммо агар у ҳар куни ишлатилса, уларнинг кам миқдори ҳам тишларда карийес пайдо бўлишига олиб келиши мумкин". Парафин жуда ёпишқоқ бўлади, у овқат зарралари ва патоген бактериялар билан бирга жуда осонгина тишларнинг юзасига ёпишади. Бактериялар эса парафин остидa кўпая бошлайди.

Аммо гўзаллик қурбонлиқни талаб этади. Шу боис кўпчилик аёллар лаб бўёғидан воз кечиши амримаҳол. Бунинг ҳисобга олган олимлар барча аёлларга куйидаги маслаҳатни берадилар: лабларингизни бўйдингизми унда тишларингизни тез-тез тозаланг ёки тишларни химоя қатлами билан қопланг. Асосийси - зарарли кимёвий моддалар камроқ бўлган пардоз воситаларини танланг. Рангсиз гигиеник помадани хавфсиз деб айтиш мумкин. Лаб бўёғини харид қилаётганда таркибига эътибор бериш зарар қилмайди.



АНЖИР

Халқ табобатида анжир қадимдан жигар, талоқ ва ўпка шамоллашини даволашда ишлатилиб келинган. Илмий тиббиётда ҳам кенг фойдаланилади.

Анжир шинниси таъсири асал таъсирига ўхшайди. Анжирдаги озикликнинг тизгиллиги гарчи дон ва гўштларникидек бўлмаса-да, бошқа меваларнинг овқатлигидан кучлидир.

Анжирнинг хомини, шунингдек, баргини хол, сўғал ва буларнинг ҳар хил турларига, доғларга суртилади. Уни ейилса, касалликлар сабабли бузилган рангсни тўзатади ҳамда чипқонларни пиширади. Ҳўл ва куруғи тутқаноқ касалига фойда қилади. Анжирни кулоқ ости шишларига қўйиб боғланса ҳам фойда беради.

АНОР

Турли хил касалликларни даволашда анор шарбати ва пўстидан тайёрланган қайнатмаси кенг қўлланилади. Нордон анор ва хусусан унинг шароби сафрони босади ва чикиндиларнинг ички аъзоларига оқшини тўхтатади. Унинг нордон - ширини меъда учун кўпинча олма ва беҳига қараганда

манфаатлироқ бўлади.

Ширин ва аччиқ анорнинг сиқиб олинган сувини асал билан қўшиб бир неча кун офтобга қўйилса, кўздаги ҳароратга ва кундузи кўрмай қолишда фойда қилади. Нордон анор кўкрак (ва томоқни) дағаллаштиради, ширини эса уларни юмшатади ҳамда кўкракни кувватлантиради. Аммо уруғини ёмғир суви билан қўшиб ичирилса, қон тупуришда фойда қилади. Анорнинг ҳамма турлари ҳафақонга фойда қилади ва ширини кўнгилни очади. Анорнинг нордон ширинига қараганда сийдикни кўпроқ юриштиради, умуман иккаласи ҳам сийдик ҳайдовчидир.

БЕҲИ

Тиббиётда беҳи уруғидан тайёрланган қайнатма кўз оғриганда, юқори нафас йўллари шамоллаганда даво сифатида ишлатилади. Шарбати меъдани кучайтиради ва балғам қушишни тўхтатади. Сиқиб олинган суви астмада фойдалидир, у қон туфлашини ҳам тўхтатади. Агар беҳини овқатдан кейин ейилса, ичти суради, кўпроқ ейилса оғирини ҳазм бўлишдан олдинроқ чиқариб юборади.

SHIFOBAXSH MEVALAR

ЖИЙДА

Жийда меваси ёки унинг дамламасидан болаларда учрайдиган ич кетишига қарши, нафас йўллари шамоллаганда, ошқозон-ичак касалликларини даволашда қўлланилади, тиббиётда ҳам кенг фойдаланилади. Ҳар қандай оқайтган нарсани тўхтатади. Унинг буриштиришда ва ичти қотиришда қуввати дўлананикидан кўпроқдир. Исиддан бўлган йўталга фойдалидир. Қушишни тўхтатади. Жийда кўп сийишга (қарши) фойдалидир.

ОЛМА

Халқ табобатида олма ёрдамида сурункали бод, товуш бўғилиши, камқонлик, ошқозон-ичак йўлининг яллиғланиши каби касалликлар даволанган. Хушбўй, ширин ва нордон олмалар, юракни кувватли қилади.

Олма заиф меъдани кувватлантиради. Хамирнинг ичиди пиширилган олма иштаҳанинг камлигига фойдалидир. Олманинг талқони меъдани кувватли қилади ва қушишни тўхтатади. Хамирнинг (пирог) ичиди пиширилган олма гижжаларда ва дизентерияда фойда қилади.

ОЛХЎРИ

Олхўрининг озиклиги оздир. Таомдан олдин ейилсин. Елимни яраларни битиради, сирка билан қўшилгани те-

мираткини йўқотади; хусусан у билан асал ёки шакар аралашган бўлса, айникаса, бола-

ларда яхши натижа беради. Елимни кўзга тортилса, кўзни кувватли қилади. Кўкракдаги оғриқларга фойда қилади. Унинг аччиқ хили сафрони кучли ҳайдайди. Халқ табобати ва тиббиётда олхўри меваси ҳамда данагидан турли касалликларни даволашда кенг фойдаланилади.

ЛИМОН

Сиқиб олинган суви рангини тоза қилиб, сепкилни кетказади. Қайнатмаси оғиз ҳидланишини кетказади, семиртиради. Қобигини оғизда тутиб турилса ҳам хидни кетказади. Қобигини кийимга қўйилса, қуя тушишдан сақлайди.

Сиқиб олинган сувини темирлаткига суртиш фойдалидир. Ёғи асабнинг бўшаганида фойдалидир.

Япроғи меъда ва ички аъзоларни кучли қилади. Япроғидан кейинги ўрида очилган гули туради. Қобиги доривор сифатида овқатга солинса, хазмага ёрдам беради.

Қайнатмаси қушишни тўхтатади, қуюқ шираси, яъни сиқиб олинган сувининг қуюлтирилгани меъдани тоза қилади. Сиқиб олинган суви сарик касалида фойдалидир. Сафро қушишни тўхтатади. Иштаҳани очади.

Саҳифани МАРЯМ АҲМЕДОВА тайёрлади.

«HALI YUGURISH MUSOBAQASIDA

QATNASHAMAN»

– deydi Mirzaobod tumanlik o'quvchi
Hamzaxon Asliddinov



Таълим соҳасига қаратилган ҳар бир эътибор, яратилган ҳар бир шароит юксак келажак учун ташланган катта қадамдир. Сабаби, бугунги ўқувчи-ёшлар эртанинг эгалари, қурувчилари ҳисобланади. Сирдарё вилоятининг Мирзаобод туманидаги 15-сонли умумий ўрта таълим мактабда ҳам ўқувчиларнинг таълим олиши учун зарур шароитлар яратилган. Гарчи, мактаб қишлоқ ҳудудидида жойлашган бўлса ҳам бошланғич синф ўқувчиларининг дарс хоналари дид билан жиҳозланган.

Айниқса, дарс жараёнларининг кўргазмалли воситалар билан қизиқarli олиб борилиши ўқувчиларни илм олишга бўлган қизиқишларини янада ривожлантиради. Нафақат мактабда балки, уйда яққа тартибда таълим олувчи болажонлар ҳам ҳамиша эътибор марказида. Ана шундай ўқувчилардан бири Ҳамзaxon Аслиддинов жорий йил 4-синф дарсликларини кўнт билан ўрганмоқда. Ҳамзaxonнинг хотираси яхши бўлиб, берилган вазифаларни кўнт билан бажаради. Одобиға эса, мактабда ўқийдиган ўқувчилар ҳам тенглаша олмайди. Онаси, қўли гул тикувчи Гулнора опа билимдон ўғлини ҳеч кимдан кам қилмай тарбия қилмоқда. Фақатгина мустақил юра олмаганлиги учун уйда таълим оладиган бу болаканинг орзулари осмонларга туташган. Келажақда ҳуқуқшунос бўлишни кўзлагани ҳам сўзимизнинг тасдиғидир.

Ҳамзaxonга тажрибали педагог Замира Каримова дарс беради. Ўқувчисининг тез ўзлаштириб олиши ҳамда кучли хотираси, намунали хулқи, одобидан қувонган ўқитувчи унга янада кўпроқ нарсаларни ўргатишга ҳаракат қилади. Синфда кўп болага дарс ўтишдан, битта болага таълим бериш осон-да, дея хулоса қилишга шошилманг. Яққа тартибда таълим оладиган ўқувчи билан ишлаш учун педагог нафақат юқори савиядаги билимли бўлиши, балки яхшигина психологикни ҳам эплаши керак. Кези келганда ўқувчининг руҳиятини кўтариш, ўз вақтида таълимни ҳам, тарбияни ҳам бирдай олиб бориш, уйдаги ўқувчини мактабдаги тенгдошлари билан ҳамнафас қилиш учун ғоялар, ташаббуслар ишлаб чиқиш осон эмас. Бу мураккаб вазифани фақатгина тажрибали ўқитувчи эплай олади. Замира Каримова эса мактабдаги ана шундай тажрибали ўқитувчиларнинг энг илғори, энг фидойиси бўлгани учун

ҳам ўқувчиларининг иккинчи онасига айланиб қолган.

Тезроқ юриб кетишни мақсад қилган Ҳамзaxonнинг сира яққа дарс қилгиси келмайди. Кенг синф хонасида барча тенгдошлари каби устозидан сабоқ олгиси келади. Афсуски, ҳаёт синовлари инсонларни элакдан ўтказаетганда ёшани, катта-кичиклигини инобатга олмас экан. Тақдир ҳали ёш бўлишига қарамай, Ҳамзaxonни дард билан синаб кўрмоқда. Ишонамизки, ҳали бу болаканинг мактабга югуриб борадиган кунлари ҳам келади. Ҳозирчалик у юра олмаса ҳам ҳаракатдан тўхтамайди. Ҳафтада уч марта бола онаси ёки бувиси Уразгул опа ҳамроҳлиғида мактабга келади. 4-“Б” синфда синфдошлари қаторида ўтиришни, тинглашни, тенгдошлари билан суҳбатлашни яхши кўради. Шу ўринда айтиш мумкинки, қачон танаффус бўлар экан деб, ўқув соатининг тугашини кутиб ўтирадиган ўқувчилар ҳам баъзи мактабларда топилади. Ҳамзaxon эса, гарчи ўзи мустақил мактабга кела олмаса-да, шу даражада ҳаракат қилиб, интилиб илм даргоҳи сари унинг ошиқиши бошқаларга ҳам ўрнак, ҳам жасоратдир. Ҳеч шубҳасиз, у жасоратли ўқувчи.

– “Ўқувчим Ҳамзaxon тиришқоқ, уйга вазифалар учун масъулият билан ёндошадиган, тарбияли ва матонатли бола, – дейди Замира Каримова. – Ҳақиқатни айтманки, мактабдаги ўқувчиларим орасида уйга вазифада қийналадиганлари ҳам бор. Лекин, Ҳамзaxon уларга ўхшайди. Доим ўрганишга ҳаракат қилади. Шундай саволлар берадики, уларнинг жавобини топиш учун ўзим ҳам китоб варақлаб қоламан. Мактабга келганида чин юракдан дарс тинглайди.

ўзиб кетишни кўзлаганман, лекин кейинчалик югуришда ҳам синфдошларимни албатта, ортда қолдираман. Келажақда ҳуқуқшунос бўламан. Уришган болаларни яраштиришни, кимда айб бўлса кечирим сўрашини талаб қилишни яхши кўраман. Уйда бир ўзим дарс тайёрлашни ёқтирмайман. Кўпроқ мактабга боргим келади. Икки кунда бир борсам ҳам, тезроқ дарс соатлари келишини кутаман. Синф хонамизга кирсам, ўзимни юраётгандек тасаввур қиламан. Ҳали мактабимизнинг фаҳрига айланаман.

Очиғи, ўн бир ёшли боладан бундай фикрларни кутмаган эдик. Ҳамзaxon бугуннинг ўзида мактабининг фаҳрига айланган. Уни барча устозлар биринчи синфдан тортиб, ўн биринчи синф ўқувчиларигача ўрнак қилиб кўрсатишади.

Меҳнат қилган инсон мақсадиға эришади. Ҳамзaxon ҳам бола бўлишиға қарамай, юриб кетишға ҳамда тенгдошларига, синфдошларига нисбатан кўпроқ ўрганишға ҳаракат қилмоқда. Энг асосийси, бу тиришқоқлиги билан оиласининг, онажониси Гулнора опанинг, меҳрибон устозининг кўнглини мунаввар қилмоқда.

Нима бўлган тақдирда ҳам биз Ҳамзaxonнинг юриб кетишиға ишонамиз. Самимий, кўнгли пок, билимға ташна бу йигитчанинг мақсадлари кўп. Ана шу мақсадларға эришиш учун эса устозларнинг эътибори, оиланинг чексиз меҳри даркор. Ўз тенгдошларига қараганда жасоратли ўқувчи ҳисобланмиш Ҳамзaxon Аслиддинов келажағи порлоқ Ўзбекистоннинг бахтли фарзанди. У гарчи ҳаётда мустақил юрмаса ҳам, билим сари юғураётган ўқувчидир.

Ёрқинжон ҲАЙИТБОЕВ
Сирдарё вилояти, Мирзаобод туманидаги 15-мактабининг 11-синф ўқувчиси



Суратда: Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги 82-умумий ўрта таълим мактабининг олий тоифали она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Саодат ҲАЗРАТҚУЛОВА мактаб жамоаси ва ўқувчилари билан ўзбек тилининг аҳамияти хусусида ўзаро суҳбатлашапти.

Oila va jamiyat

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

Обуна индекси – 176

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, “Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш” ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди

Бош муҳаррир в.б.: Акбар ҚАРШИЕВ

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент – 100000.
Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс) 233-28-20,
Котибият: 233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 1036. Формати А-3, ҳажми 3 табоқ. Адади – 2096. Ваҳоси келишилган нарҳда.

Босишга топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00

Навбатчи: Ч. Дўстматова
Мусахҳиҳ: С. Сайдалимов
Саҳифаловчи: А. Маликов

ISSN 2010-7609



Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5